

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ХАЛҚАРО МОДА ТРЕНДЛАРИ ВА  
КРЕАТИВ РАСМ”  
модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2018**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201\_\_\_йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар: ТТЕСИ т.ф.д., проф. Х.Х.Камилова  
ТТЕСИ т.ф.н. доц. Х.Юнусхаджаева  
ТТЕСИ т.ф.н. У.Рахматуллаева  
ТТЕСИ У.Вохидова

Тақризчи: ТТЕСИ –М.Мансурова “Тикув буюмлари технологияси конструекцияси” кафедраси мудири т.ф.д

**Ўқув -услубий мажмуа ТТЕСИ Кенгашининг 201\_\_\_ йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР ..... Ошибка! Закладка не определенна.	
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ..... Ошибка! Закладка не определена.	
V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ..... Ошибка! Закладка не определена.	
VI. КЕЙСЛАР БАНКИ ..... Ошибка! Закладка не определена.	
VII. ГЛОССАРИЙ ..... Ошибка! Закладка не определена.	
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ..... Ошибка! Закладка не определенна.	

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Халқаро мода трендлари ва креатив расм **модулнинг мақсад ва вазифалари:**

**Модулнинг мақсади:** Халқаро мода трендлари асосида костюмларни лойиҳалашни ўрганиш

**Модулнинг вазифаси:** Костюм лойиҳалашда қўлланиладиган услублар, Замонавий мода уйларининг тарихи, Замонавий мода трендлари.

#### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Халқаро мода трендлари ва креатив расм” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- ишлаб чиқариш жараёнидаги техника ва технологияларининг ҳозирги ҳолатини;
- енгил саноат соҳасида яратилаётган инновацион техника ва технологияларни;
- тикув буюмлари ҳамда чарм ва мўйна маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнидаги техника ва технологияларнинг афзаллик ва камчиликларини;
- либос дизайнни, унинг ривожланиш тарихи ва босқичларини;
- замонавий либослар ва уларнинг турларини;
- тикув буюмлари ҳамда чарм ва мўйна маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланилаётган замонавий жиҳозларнинг турларини **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- тикув, чарм ва мўйна буюмларини ишлаб чиқаришда инновацион технологиялардан фойдаланиш;
- корхоналардаги замонавий техника ва технологияларнинг фарқлари, афзаллик ва камчиликларини таҳлил қилиш;
- ўзбек миллий матоларидан замонавий либослар яратишда фойдаланиш;
- замонавий ишлаб чиқариш технологиясида қўлланиладиган жиҳозлардан фойдалана олиш;
- тикув, чарм ва мўйна буюмларини ишлаб чиқариш замонавий жиҳозларни таҳлил қилиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- тикув, чарм ва мўйна буюмларини ишлаб чиқаришда замонавий электрон бошқарувли машиналардан фойдаланиш;

- тикув, чарм ва мўйна буюмларнинг асосий хилларига унификациялашган технологияни жорий қилиш;
- енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари кетма-кетлигини бошқариш;
- либослар дизайнини ишлаб чиқишида замонавий усуллардан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришда замонавий жиҳозлардан фойдаланиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- тикув, чарм ва мўйна буюмларини ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни амалиётда қўллаш;
- соҳадаги замонавий техника ва технологияларни юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилиш;
- миллий матолардан замонавий либосларни яратиш;
- ўзбек миллий либосларининг турлари, қўлланган матолари ва нақшлари ҳамда безакларини баҳолаш;
- тикув, чарм ва мўйна буюмларини ишлаб чиқаришда технологик жараёнлари кетма-кетлигини бошқариш;
- замонавий жиҳозларни ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

#### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Халқаро мода трендлари ва креатив расм” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар, видеоматериаллар ва электрон-дидактик технологиялардан; ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, “SWOT-таҳлил”, Хуросалаш» (Резюме, Веер), “Тушунчалар таҳлили”, “Брифинг” методи ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

#### **Модулининг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модуль мазмуни ўқув режадаги “Тикув буюмлари технологияси”, “Чарм ва мўйна ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг шахсий ахборот майдонини шакллантириш, кенгайтириш ва касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

## Модулининг олий таълимдаги ўрни

Модуль Халқаро мода трендлари ва креатив расм ва улардан таълим тизимида фойдаланиш орқали таълимни самарали ташкил этишга ва сифатини тизимли орттиришга ёрдам беради.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси						
			Жами	Назарий	жумладан	Амалий машгулот	Кўчма машгулот		
1.	Замонавий мода жараёнлари	2	2	2					
2.	Мода уйлари тарихини ўрганишнинг аҳамияти ва келажаги	2	2	2					
3.	Материал, жиҳозларни танлаш ва улардан фойдаланиш	4	2	2				2	
4.	Дизайнерларда қўлланиладиган қоғозлар ва жиҳозлар турлари	4	2	2				2	
5.	Одам қоматини ўрганиш	2	2	2					
6.	Материал, жиҳозларни танлаш ва улардан фойдаланиш	2	2			2			
7.	Скетчбук – ижодий фаолият элементи	2	2			2			
8.	Мато ва материалларни тасвирлаш	2	2			2			
9.	Кийим деталларини тасвирлаш	2	2			2			
10.	Кийимнинг техник расмларини яратиш	2	2			2			
	<b>Жами:</b>	<b>30</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>10</b>	<b>6</b>	<b>4</b>		

### НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### **1- Мавзу: Замонавий мода жараёнлари.**

Мода ва дизайнер тушунчаси. Катта бадиий услублар ва микроуслублар. Мода функцияси ва уни башорат қилиш. Моданинг таркиби. Мода функциялари. Мода ривожланишининг асосий қонуниятлари. Модани циклсизмон ривожланиши

## **2- Мавзу: Мода уйлари тарихини ўрганишнинг аҳамияти ва келажаги.**

Габриэль Бонер Шанель ҳамда Кристобаль Балансиага ижоди. Dolce & Gabbana бренди Пьер Карден ва Гуччи Гуччи ижоди. Валентино Гаравани ва Джанни Версаче ижоди

## **3- Мавзу: Материал, жиҳозларни танлаш ва улардан фойдаланиш.**

Иш фаолиятида қўлланиладиган қалам турлари. Қўлланиладиган бўёқ турлари. Қаттиқ ёки юмшоқ Chalk пастели. Дизайнерлар ишлатадиган турли хил материаллар. Дизайнерлар томонидан қўлланиладиган замонавий материаллар

## **4- Мавзу: Дизайнерларда қўлланиладиган қоғозлар ва жиҳозлар турлари**

Иш фаолиятида қўлланиладиган қоғоз турлари. Қўлланиладиган жиҳозлар. Майдадонали ва сатинли қоғозлар. Стандартга тўғри келмайдиган форматли ва тузилишли қоғоз. Дизайнернинг ижодий иши

## **5- Мавзу: Одам қоматини ўрганиш.**

Одам қоматининг пропорциялари. Одам қоматини чизиш тартиби. Одам қомати турлари. Кафт пропорцияси. Оёқ панжаси пропорциялари. Одамнинг юзини тасвирлаш

# **АМАЛИЙ МАШФУЛОТ МАЗМУНИ**

## **1- амалий машғулот: Материал, жиҳозларни танлаш ва улардан фойдаланиш.**

Расм чизища қўлланиладиган иш қуроллари тури билан танишиш. Ҳар бир иш қуролини хусусиятларига асосан таҳлил этиш. Олинган таҳлил натижаларида тарқатма материаллар асосида иш қуролларини амалиётда қўллаш

## **2- амалий машғулот: Скетчбук – ижодий фаолият элементи**

Скетчбук ҳақида маълумотларни тўплаш. Скетчбук юритишни тартибини ўрганиш. Скетчбуқда ижодий лойиҳани расмийлаштириш. Мато турларини таҳлил этиш. Скетчбуқни расмийлаштириш

## **3- амалий машғулот: Мато ва материалларни тасвирилаш.**

Мато фактурасини тасвирилашни ўрганиш. Мато фактурасини эскиз моделларида тасвирилаш. Люрекс, кружева ва гипюр матолари. Эркаклар костюмини эскизда бажариш. Метода принт намуналар

## **4- амалий машғулот: Кийим деталларини тасвирилаш**

Кийим деталларини ўрганиш. Кийим деталларини тасвирилашни ўрганиш. Кийим деталларини эскиз моделларида тасвирилаш. Кийим деталларини эскизда тасвирилашни ўрганиш. «VICATION GUY » девизи остида ўрта ёшдаги эркаклар комплекти

## **5- амалий машғулот: Кийимнинг техник расмларини яратиш**

Техник расмларни таҳлил этиш. Техник расмларни тасвирилашни ўрганиш. Техник расмлар дизайнер ва ишлаб чиқарувчи орасидаги визуал мулоқот. Look books ва прайс листлар

### **Кўчма машғулот мазмуни**

“Халқаро мода трендлари ва креатив расм” модулида кўчма машғулотлар замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган соҳанинг етакчи корхоналари ва лабораторияларида олиб борилади.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzalар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни

аңглаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустахкамлаш);

- давра сұхбатлари (күрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Изоҳ</b>
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.5 балл
2	Мустақил иш		1 балл

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### **Зинама-зина методи**

#### ***Методнинг максади:***

Тингловчиларни эркин, мустакил ва мантикий фикрлашга; жамоа булиб ишлашга, изланишга; фикрларини жамлаб, улардан назарий ва амалий тушунча хосил килишга; жамоага уз фикрини ўтказишга, уни маъқуллашга; қўйилган муаммони ечишда ва мавзуга умумий тушунча беришда ўтилган мавзулардан эгаллаган билимларни қўллай олишга ўргатиши.

#### ***Методнинг кулланиши:***

Маъруза, амалий машғулотларда жамоа ёки кичик гурухларга ажратилган холда, берилган вазифаларни бажаришга мўлжалланган.

#### ***Машғулот утказилиши:***

- Ўқитувчи тингловчиларнинг умумий сонига караб, 3-5 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;
- Тингловчи машғулотнинг максади ва унинг утказалиш тартиби билан танишадилар. Хар бир гурухга коғозга кичик мавзу ёзуви бўлган варақалар тарқатилади;
- Тингловчи мавзу юзасидан билгандарининг коғозга жамоа булиб ёзишни белгиларган муддатда уддалашини буюради;
- Гурух аъзолари биргаликда тарқатма материал бўйича иш бошлайдилир.
- Тарқатма материаллар тўлдирилгач гурухдан бир киши тақдимот килади. Бу тақдимотда тайёрланган материал албатта доскага тагма-таг (зинама-зина) илинади;
- Ўқитувчи гурухлар тайёрлаган материалларга изох бериб уларни баҳолайди.

Гурухлар учун топширқлар

## 1-гурух

Устки кийимларга технологик ишлов бериш

## 2-гурух

### Намлаб иситиб ишлов бериш усуллари

**Берилган вазифа куидагича  
бажарилади:**

## 1-гурух

### Устки кийимларга

Олд булакни тайёрлаш;  
Адипни тайёрлаш ва олд бўлакка улаш.

Олд булак билан орт булакни улаш.;  
Ёқани тайёрлаш ва ёқа ўмизига улаш.

Енгни тайёрлаш ва ўмизига ўтказиш;  
Астағни тайёрлаш ва аврага улаш.

Кийимга узил-кесил намлаб иситиб ишлов бериш ва  
безаклар билан безаш.

## 2-гурұх

### Намлаб иситиб ишлов бериш

ANV-1690-7 “Майер”  
(Германия )

Cs-371 “Паннония” (Венгрия зичликкача құзіб ингічкалаштириш, бурамлар бериш  
орқали пишитиш, белгиланған тартибда ўраб мұайян поковка ҳосил қилиш

BSP-800 УМОВ (Чехия)  
СПРГ-1 «Легмаш»

LW-29, LW-30  
«Протомет» (Польша)

#### “Инсерт” методи.

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод таълим олучиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод таълим олучилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилған инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

<b>Белгилар</b>	<b>1-матн</b>	<b>2-матн</b>	<b>3-матн</b>
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилик учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

#### “Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

#### Методни амалга ошириш тартиби:


- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
  - тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
  - белгиланган вақт яқунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
  - ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар тахлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
<b>Коллекция</b>	илмий, тарихий ёки бадиий қизиқиши ифодалайдиган, ўхшаш буюмлар тизимига солинган тўплам	
<b>Костюм</b>	яхлит ғоя ва мўлжал билан бириктирилган, ижтимоий, миллат, минтаقا, жинс ёш ва мутахассислигини ифода этадиган элементларнинг муайян тизими	
<b>Серия</b>	савдо ташкилоти буортмасининг энг кичик микдори	
<b>Кийимнинг ассортимент гурухи</b>	белгилари жихатидан бир хил бўлган мустакил гурухга кирувчи буюмлар	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.  
Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“ЗАКОВАТ КЛУБИ” дидактик ўйини



Ўйин қоидаси:

1. Гуруҳ 4та жамоа бўлинади.
2. Думалоқ столга 2та жамоа жойлашади.
3. Бошловчи саволни ўқиб эшиттиради.
4. Ўйлаш учун 1 дақиқа вақт ажратилади.
- 5-тўғри жавоб берган жамоа ўз ўрнида қолади
6. 2-столга бошқа команда жойлашади.
7. Экспертлар жавобларнинг тўғрилигини назорат қилиб борадилар.
8. Шу тариқа ўйин 1 неча марта такрорланади.
9. Голиб команда рағбатлантирилади

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-Мавзу. Замонавий мода жараёнлари**

##### **Режа:**

- 1.1. Мода ва дизайнер тушунчаси.
- 1.2. Катта бадиий услублар ва микроуслублар
- 1.3. Мода функцияси ва уни башорат қилиш

*Таянч иборалар: маданият, феном, санъат, костюм, эстетик, сифат, психотаҳлил, бозор иқтисоди, мода, дизайн, катта бадиий услуб, микроуслуб, фирма услуги, классик услуги, спорт услуги, фолклор услуги, кантри услуг*

#### **1.1. Мода ва дизайнер тушунчаси**

1. XVII асрни охирида мода инсон маданиятининг ўзига хос феномени сифатида санъат соҳасида ва костюмда эстетик идеал ва дидни ўзгариш билан боғлиқ эстетик ҳодиса сифатида таҳлил этилди. XIX-XX асрларда мода тадқиқотчилари модани ижтимоий ва психологик феномен сифатида таҳлил этишган, уни пайдо бўлишига, ривожланишига сабабларни, уни таъсирида рўй берадиган ижтимоий, иқтисодий ва маданий оқибатларини кўриб чиқишиган.

Модани ҳар хил нуқтаи назардан, ижтимоий психология ва психотаҳлил, бозор иқтисоди ва маданиятшунос, замонавий жамиятда уни динамикасини белгилайдиган муҳим компоненти сифатида ўрганишган.

**Мода** лот. *Тодус* - меъёр, қоида: франсузча - *moda*; немисча - *moda*, инглис - *moda* бугунги кунда *фэшион* атамаси қўлланилмоқда.

Замонавий жамиятда мода оммабоп хулқ шаклларидан биридир. Психологлар *moda* атамасига қуйидагича таърифлашган:

- мода бу ўзига хос усул, сиймо, ижтимоий ахборотни ишлаш учун меъёр (психолог Л.Петровнинг таърифи);
- мода бу кўп инсонларга оид сезиш тури (американ ижтимоий психолог Э.Богардуснинг таърифи);

- мода ижтимоий гурухлар афзал кўрган такрорланадиган ўзгаришлар серияси (американ ижтимоий психолог э. Росснинг таърифи).

Мода ўзгариш жараёнда бўлган моддий ва руҳий қийматларга кирадиган барча маданият турларига мансуб: санъат (рангтасвир, адабиёт, мусиқа, театр, кино, дизайн), фан, техника, сиёсат, спорт. Дизайн - мода механизмини фаол таъсир этадиган маданият соҳасидир.

Мода инсонни атрофидаги барча буюм мухитига, яъни интеръер ва магазинни витриналари безагига, майший буюмларни, оммабоп байрамларни ва сайр, томоша индустря дизайнига ҳамда инсоннинг ташки қўринишида либосларида, соч турмагида, макияжида, муамола тарзида акс этади.

Костюмда инсоннинг тилаклари ва интилишлари, ўзи тўғрисида ва атрофдаги инсонларга ижтимоий муносабати ва ижтимоий ҳолини акс этгани боис, канадалик жамиятшунос М.Маклюен инсоннинг уйини ва либосини "бизнинг теримизни давоми" деб айтишга асос бўлган.

Мода костюмга, буюмлар хоссасига, ғояларга, сўзларга, яъни мода намунаси бўладиган буюмларга (кийим, соч ранги ва турмаги, автомобил маркаси, тоғда дам олишга ва б.) таъсир этади.

Моданинг таркиби қуйидаги элементларидан иборат:

- модали стандартлар – муамола ва ҳатти - ҳаракат намуналари ёки усуллари;
- модали обьектлар, улар моддий ва моддий эмас бўлиши мумкин: буюмлар, ғоялар, сўзлар, обьектларнинг хоссалари;
- моданинг қиймати;
- мода мухлисларнинг ҳатти - ҳаракати модали стандартлар, обьектлар ва қийматларга ориентлашган.

Моданинг ҳар бир намунаси уни мухлисларига муайян мақсадга эришишга, интилишга; замонавий қўриниб туришига ёки оммалар орасида ажralиб туришига, атрофдаги инсонларга ўзи тўғрисида маълум маълумот бернишига имкон беради.

Замонавий йирик шаҳар-мегаполисда муносабат воситаси сифатида моданинг роли жуда катта, у ерда инсонлар орасидаги муносабатлар қисқа

муддатли (күчада, транспортда, жамоат жойларыда ва б.) бўлгани учун ўзи тўғрисида инсон бермоқчи бўлган маълумотни костюм беради.

Мода таркибининг қийматларини орасида биринчиси (атрибутив ёки ички) ва иккинчиси мавжуд.

Модани биринчи қийматларига замонавийлик, универсаллик, демонстративлик ва ўйин киради.

Замонавийлик – моданинг таркибида фундаментал қийматидир. Ҳар қандай янгиликлар модали бўла олмайди, ва ҳар қандай модали стандартлар ва намуналар ҳам янги бўлмайди (масалан, "ретро" услуби). Экологик услуб модада янги юқори технологик синтетик материалларни ишлатишни инкор этиб, минг йиллар мобайнида маълум анъанавий зифир, ип, шойи ва жун газламаларни киритди.

Модада янгилик - бу аввалги модага нисбатан янги ғоялардир. Замонавийликнинг қиймати модани муҳлисига "вақт билан юрувчи" деб ўзини ҳис қилишга ва тез ўзгараётган замонга мослашишга имкон беради.

Универсаллик (диффузлик) вақтдан ташқари ҳеч қандай чеклашни эътироф этмайди.

Костюм тарихида моданинг универсаллиги XIX асрда юз берди, XVI асрда эса Европада аввал италиян, кейин испан модалари кенг тарқалганди. Моданинг ривожланиши жамиятни барча ўзгаришларини акс этади: саноатнинг гуркираб ривожланишини, янги транспорт ва коммуникасия воситаларини пайдо бўлишини, халқлараро маданий алоқаларни қучайишини. Маданий намуналарни бир ижтимоий грухдан иккинчисига, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ўтишида моданинг муҳим қийматларидан бири универсаллик хисобланади.

Қисқа вақт давомида оммабоп бўлган ҳодисаларни "мода доирасида ички оқимлар" деб америкалик жамиятшунос э.Богардус номлаган. Уларга *фад* (инжиқлик, тентаклик, тез ўтар ишқивозлик барча жамиятни эмас, балки айrim ижтимоий грухларни оғушига олган), *сразе* ёки фетиш (мода билан оммабоп ишқивоз этилиш, мойиллик).

Демонстративлик мода коммуникасиясини бир шаклидир, у мода мухлислариға үз тұғрисида бошқаларга маълумот берішига имкон беради. Энг аввало мода үз ижтимоий мақомини ёки ундан ҳам юқори иллюзиясини намойиш этишга имкон беради.

Моданинг үйин қиймати әвристик ижодий фаолияти билан боғлиқ ва у янгиликни излашни, янгини яратишни, эскиликни янги сифатида тавсия этишни рағбатлантиради. XX аср үйинни инсон маданиятини универсал элементи сифатида ҳисоблайды. Замонавий дизайнда үйин элементлари муҳим рол үйнайды, чунки үйин инсоннинг ижодий қобилиятларини ривожланишига қаратилған, унда натижаси әмас, балки жараён муҳим (дизайнер ва истеъмолчининг ҳаммуаллифлиги концепцияси билан боғлиқлиги). Үйин дунё тушуниш шакли бўлса, мода эса үзига хос қоидаларига эга үйин муамоласининг шаклларидан биридир. Модага асосий үйин ҳусусиятлари мансуб: фазода әмас, вақт мобайнида чекланиш, ихтиёрлик, одатий ҳаёт чегарасидан чиқиш, муайян "үйин қоидаларини" мавжудлиги.

Моданинг иккинчи (сиртқи) - қиймати конкрет вазият ва мода мухлисларнинг категорияси билан боғлиқ, улар қарама - қарши қийматларни кўзлади: ижтимоий тенгликни ёки элитарликни, гўзаллик ёки факат қулайликни ва б. Бир хил мода намуналари ҳар хил мақсадга эришишга имкон беради. Масалан, ситилган джинс буюм битталар учун престиж марка билан мақтаниш имконияти бўлса, бошқалар учун эса үз демокративлигини, истеъмолда одимилигини намоён этишdir.

Иккикчи қийматлар инсонни дунёга ва үзига, жамиятга ва ижтимоий гурухларга, табиатга муносабатини намойиш этади. У ёки бу модали намуналарни танлаганда одам шуларни фараз қиласи: "Мен ҳаммадек", "Менда бошқаларда йўқ нарсаларим бор", "Менда ҳоҳлаган нарсаларим бор". Маълум модани танлаганда инсон модага үз муносабатини намойиш этади.

## **1.2. Катта бадиий услублар ва микроуслублар**

**Услуб** - бадиий фикрлашнинг умумий категорияси; санъатда муайян давр ёки асарнинг тасвирий воситаларнинг ғоявий бирлиги; буюм мұхитининг бадиий-пластик үхшашлиги. Услубда ҳар бир даврни дунёқарашлар, ғоя ва қарашлари акс этилади. Услуб - даврнинг бадиий тили, даврнинг бадиий ифодаси. Унда муайян тарихий даврнинг эстетик идеали намоён бўлади.

Услуб барча санъат турларига ўзгача таъсир этади, уни "даврнинг катта бадиий услуби" деб аташади. Санъат тарихида даврга мансуб "катта услублар" бирин кетин бўлган: Қадимий Миср, Антик, Роман, Готик, Ренессанс, Уйғоннш, Барокко, Рококо, Классицизм, Ампир, Модерн. Ушбу услублар костюм турини, шаклини, пропорцияларини, қўллаган матоларини, кийиш усулинини ва х.к. белгилаган.

Ҳар бир услуг ривожланиш жараёнида бир неча босқичлардан иборат: пайдо бўлиши, авжга этиши, инқирозга учраши.

Шуни эътиборга олиш лозимки, ҳар бир даврда бир неча услублар биргалиқда мавжуд бўлган: олдин бўлган, айни шу вақтда хукмронлик қилган ва келажак услубнинг элементлари. Ҳар бир мамлакатда бадиий маданияти ривожланиш даражаси, сиёсий ва ижтимоий - иқтисодий тараққиёти, бошқа мамлакатлар маданияти билан алоқалиги билан боғлиқ бадиий услубларни эволюсия динамикаси ўзига хос бўлган: масалан, XV асрда Италияда Ренессанс услуби авжига чиқкан бўлса, Франсияда - кеч Готика, Германияда эса - Готика XVI асрни ўртасигача бўлган, Ўрта Осиёда эса - Ренессанс услуби IX асрдан бошлаб то XVII асрга қадар ривожланган.

"Катта услуб" доирасида "**"микроуслублар"**" ривожланиши мумкин. Масалан, Рококо услуби доирасида (1730-1750 йй.) "шинуазри" (хитой услубига үхшаш) ва "тюркери" (туркча услуб); модерн услуби доирасида 1890-1900 йй.) "неоготика", "неорус" ва геометрик услублари; "арт деко" услубда (1920 йй.), Миср, рус, африка, геометрик ва бошқа микроуслублар мавжуд бўлган.

Аммо, тарихий даврлар ўтиши билан "катта услуб"лар ўтмишда қолди: жамоа ва инсонни турмуш суръати тезлашиши, информасион жараёнларни

ривожланиши, янги технологиялар ва оммабоп бозорни таъсири, ягона услуга эмас, балки кўп услубий шакллар ва пластик сиймоларни мавжуд бўлишига олиб келди.

XIX асрда илгари бўлган услубларга асосланган услубий йўналишлар пайдо бўла бошлади (еклектизм, ўтмишга берилиш ва б.).

Еклектика - бу ҳар хил услубларни аралашмаси, бир неча услубни бараварига мавжудлиги. XX асрда эклектика маданиятини муҳим ҳусусиятларидан бири бўлди, айниқса асрни охирида - постмодернизм маданияти модага таъсир этганди.

Ҳар бир мавсумий нашрлар янги услубларни тарғибот этади, дизайннерлар эса ўз услубини яратишга интилишади. Аммо, барча услублар тасодифий пайдо бўлмайди. Сиёсий воқеалар, ижтимоий муаммолар ва б. услубни шаклланишига таъсир этиб, уни актуал қиласи. Модали услубларда инсоннинг сиймоси ва турмуш тарзини ўзгариши ҳозирги замонда уни ўрни ва роли бўйича тасаввuri ифодаланади. Янги услубларни пайдо бўлишига янги материаллар ва уларга ишлов бериш усувлари таъсир этади.

Кўп услублар орасида классик услубни ажратиш мумкин: улар узоқ вақт давомида актуаллигини сақлаб, модада бўлади. Классик услуг муйян ҳусусиятларга эга бўлиши мумкин: универсаллик, кўпфункциялик, шакл яхлитлиги ва оддийлиги, одамни талабларини қондирадиган. Классик услуга, масалан, инглиз, Шанел услублари кириши мумкин.

"Катта бадиий услуб" лар ва "микроуслуб" лардан ташқари "муаллиф услуби" ёки "устанинг индивидуал услуби" деган тушунчалар бор. Бу услуг турида муаллифнинг мавзулари, ғоялари, қўллаган тасвирий воситалари ва бадиий усувлари намоён этилади. К.Шанел, К.Диор, А.Курреж, Дж.Версаче, К.Лақруа, В.Зайсов, В.Юдашкин ва б. ижоди муаллиф услуби билан ажralиб туради.

Замонавий буюм муҳитни бадиий - пластик бир хиллиги "дизайн - услуг" деб аталади. Бу услуг техникавий тараққиётни ўзлаштириш натижасини намоён этади. У янги мато ва технологиялар билан боғлиқ бўлиб,

буюмларни ташқи күринишини фақат ўзгартирмасдан, инсонни ҳаётига янги хоссаларни бахш этади ва буюм ва инсонни ўзаро алоқасига таъсир этади.

Дизайнда "*фирма услуги*" деган тушунча ҳам бор - бу фирмами ишлаб чиқарған маҳсулотига услугбий бирлик мансуб. Фирма услуги конкрет муаллифлар томонидан яратилади ва субъектив хоссага әгадир.

Модада турлича услублар мавжуд бўлиб улар қуйидагилардан иборат.

**Классик услуги.** Классик (одмий, ишбилармон, элегант) услугига модага деярли сифинмайдиган, турғун вақт давомида танланган, деярли ўзгармайдиган услуг. Классик услуг – чизиқларни сиполиги ва оддийлиги, бичимни мантиқалиги. Одатда, классик услугдаги буюмлар – бу кўзга ташланмайдиган жуда оддий сиймо, эътиборни ўзига сифати билан тортади. Классик услугини асосида, уни баъзи элементларини комбинасия қилиб, ҳар хил микроуслублар шаклланади. Классик услугга либоснинг барча элементларини киритиш мумкин. Янги классика одатий шаклларнинг сиполигини юқотди – моделлар юмшоқ, табиий ва олийжаноб. Аммо, авалгидай классика деталларни минимумлигии билан фарқланади. Кўпинча материаллар эркаклар модасида ўзлаштирилган – бу репс, габардин, поплин ва фланел, юпқа классик йўл –йўл ва “ёлочка”, юмшоқ жун газламалари. Услуб фаворити – шим ва юбка, нимча билан классик костюм.

**Романтик услуг** – бу фантазия, изланиш, хотира соҳаси, у тарихий костюмга интилади ва ундан шакл, бичим ва декоратив безак ўзлаштирилади. Романтик либос қоматни гўзаллигини ва аёлларниниг анъанавий сузилмоқлигини, сентименталлигини, сезувчанлигини намоён этиши лозим. Бу услугнинг асосий силуети – X-симон, юмшоқ ва майин чизиқлар билан. Минималистик услуг ман этган безаклар – драпировкалар, деколте, кокеткалар, қўш бурмалар, воланлар, рюшлар, жабо, бантлар, тўрлар, буфлар, манжетлар рулиқдан измалар романтик либосларда кенг қўлланади. Бу услугда ёрқин ранглар либосда қўлланади. Пойабзал лакланган чармда ва кимхобдан баланд пошнали “кемача” туфлилар. Узун ёки калта қўлқоплар.

Мураккаб соч турмаги. Вуалли шляпалар, нозик тақинчоқлар, шифондан шарфлар. Бу услуг кечи ва байрамона кийимларида қўлланади.

**Спорт услуби.** Спорт услуби қулай ва гўзал спорт либосларни модага таъсир этди. Хозир спорт услубида либоснинг барча элементлари қилиниши мумкин: уй кийимидан башанг костюмигача. Энг оддий спорт усубининг варианти кийимда қоплама чўнтаклар, погонлар, фурнитура, кокеткалар, хлястик ва паталар ва б. Спорт услугига бир неча микроуслублар киради.

**Фолклор услуби.** Фолклор услуби – бу миллий костюмларнинг элементларини қўлладиган услуг. 1950 йиллардан бошлаб қишлоқ услуби “кантри услуг” оммабоп бўлганди, 1990 йилларда бу услуг этно–микс шаклида тарқалганди. Фолклор услуби бугун – бу фақат кийимни безагигина эмас, балки элементларни, шаклни, буюмларни замонавий модада ўзлаштириш. Фолклор услубида кийим яратиш – бу миллий кийимни нусхасини яратиш эмас. Газламани танлаш, унинг рангини, мережка каштаси, нақшли тасма, атлас ленталар, бичим ва деталларни қўлланиши буюмни фолк услугига мансублигини қўрсатади. Шартли фолклор услугига инглиз кантри, америкалик вестерн ва турли этно–микслар киради.

“Услуб” тушунча билан “услублаш” тушунчasi чамбарчас боғлиқ. Янги санъат асрлари яратилганда услублаш бадий усул сифатида қўлланади.

**Услублаш** - маълум услубнинг сиймоси ва формал белгиларини янги, унга монанд эмас баддий контекстда ғаразли мақсад билан қўллаш.

Бу усул тимсол билан эркин фойдаланишни, трансформация этишни кўзда тутади, асос қилиб олинган услуг билан алоқани узмасдан. Бу ҳолда ижодий манбаа доимо таниш бўлади. Бадий восита сифатида услублаш классицизмда, неоклассицизмда ва б. қўлланган.

Замонавий дизайнда оммабоп истеъмолчига мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришда бу усул ўз аҳамиятини сақлаб қолган, айниқса, коммерциячилик дизайнида (“корпоратив” дизайнда).

*Дизайнда услублаш* - бу биринчидан буюмни лойиҳалашда муайян услуг хоссаларини онгли қўллаш (бу маънода кўпинча "стайлинг" тушунчasi қўлланади); иккинчидан - маданий намунани кўринарли хоссаларини тўғридан - тўғри лойиҳалаётган буюмга кўчирмоқ, кўпинча безакда; учинчидан - табиий шакллар ёки муайян буюмларга тақлид этиб, шартли декоратив шакл яратиш.

Услублаш усулда ажойиб коллексияларини Ив Сен-Лоран 1960-1980 йй. ("Африканка", "Рус балет-опералар", "Хитой аёли", "Испан аёли", "Пикассо хотирасига" ва б.) яратган.

Модага нисбатан услуб- оғишмаси ижтимоий феномен. К.Шанел этиши бўйича: "Мода ўзгаради, хақиқий услуб эса - ҳеч қачон".

Дизайнерлар, мода журналлари, телевидение ва Интернет тавсия этган қўп услублар орасида замонавий костюм дизайнида асосий йўналишни аниқлаш мумкин.

Бу йўналишлардан бири - модани демократизасияланиши, ўзига хос «модани хукмдорлигидан озод бўлиш», барчага мажбурий ягона модали намунани йўқлиги, турли мўлжал кийимларни фарқланмаслиги, "яхши дид" қонунларни, турли буюмларни бирикмаларини, ранглар ва материалларни қўллаш қоидаларни муқаррар эмаслиги.

Иккинчи йўналиши - буюм мухитини индустрIALIZАСИЯланиши, ҳар бир инсонга ўз фикрини эркин ифодалашга шароит яратиш.

Жамоани олдида турган муаммоларни ечишда кўмак беришда дизайнни инсонпарвар роли қучаймоқда, чунки у жамиятда экологик қийматини тасдиқлашга имкон туғдириб турмуш тарзни шаклланишига инсоннинг талаблар таркибини аниқлашга таъсир этиши мумкин.

### **1.3. Мода функцияси ва уни башорат қилиш**

Модада ўз функциялари ва омиллаштириш қонуниятлари бор.

Етакчи функцияларидан бири - **биостимуляция** ва **янгиланишидир**. Бу функция инсон қиёфасини фақат мавсум, иқлим ва жуғрофик шароитларга

мос янгиланмасдан, ҳаётий жараёнларни стимуллаштириб, уларни нормал бўлишига имкон беради. Унинг ритми табиий ритмларига мос бўлади.

Ҳамма тан олган моданинг функцияси - **ижтимоий**. Г.Д.Блюммер моданинг ижтимоий функциясини қуидагича тақсимлайди :

- мода - фантазиянинг бегараз ўйини, одамларнинг инжиқлигини натижаси;
- мода - одатларни хукмронлигидан ҳалос бўлишига имконият берадиган восита;
- мода - санкцияланган таваккалнинг бир тури;
- мода - шахс ўз ўзини намоён этиш воситаси;
- мода - ёрдамида синфлар ажралиб туради.

Мода демократлашса ҳам (шакл оддийлашади ва ҳаддан ташқари утилитарлашади), костюм муайян ижтимоий синф белгисини намойиш этади.

Костюм тарихи барча даврларида **эротик** функцияни бажарган. Аёлларнинг узун юмшоқ ва юпқа кийимлари ҳаракатда тана шаклларини кўрсатарди. Асосий қойида: тана қанчалик берк бўлса, шунчалик эротик таъсир этади, яъни либос кўриш учун эмас, балки тасаввур этиш учун имкон бериши лозим. Ўтган даврлар кўйлакларида чуқур деколте бўларди; агар декольте кичрайса, бўкса шаклини катталаштирадиган турнюрни (сунъий мослама) кийишарди. Бу ҳам эротик таъсир этарди.

Аммо, костюмда эротик функция фақат жинс томонларини кўрсатмаган, замонавий костюмда уни инкор қилиб, унисекс костюми (маълум жинсга мўлжалланмаган либослар) яратилган. Масалан, джинс шимлар, кроссовкалар, бейсболкалар, футболкалар ва б. Модада эротик функцияси асосий бўлса, бу ижтимоий инқизоз бўлгани белгисидир.

**Белги** - бу моддий, ҳис қилинадиган элементdir. Костюмда белги - бу тизим, чунки уни барча элементлари муайян маънога эга. Масалан, тугма фақат тақилма воситасигина эмас, балки тизим белгисидир. Костюм ёқасининг муайян геометрик шакли - бу индивидуаллик ва конкрет модани белгисидир. Шундай ёқа шакли давр хоссаларини, ижтимоий ёки услубий белгиларини ифодалайди. Масалан, "фреза" шаклдаги ёқа - Испан Уйғонишни; "Мария

"Стюарт" номли ёқа - Инглиз Уйғонишни; маржон ёқа - Миср фирмави белгиси бўлган.

Мода тадқиқотчилари модада қуидаги цикларини аниқлашди:

- янги мода пайдо бўлиши бир неча босқичлардан иборат: янги модани ихтиро этилиши, унга ном берилиши, мода пешқадамларни пайдо бўлиши;
- модани оммабоп тарқалиши (таклид босқичи, "чуққи", адаптасияси) икки босқичдан иборат: модага норасмий пешқадамлари ва сўнг кўпчилик кўшилади; буюм оммабоп ишлаб чиқарилганда мода ўзига хослигими йўқотади, пешқадамлар янги модани қидириб топади;
- мода инқироз бўлганда бу кийимларни одатда "консерваторлар" (модадан ортда қолганлар) кийишади.

Бозор иқтисодида модани ўзига хос роли - истеъмол цикларини қисқаришига сабаб бўлади. Буюмлар имиджини онгли равища тез ўзгартирилади, буюмлар дизайнни лойиҳалаганда эстетик ва физик эскиришини назарда тутади. Шу билан, ишлаб чиқарувчи буюмлар билан фойдаланиш муддатини камайтириб, янгиларни сотиб олишга мажбур этади.

Модани циклсизмон ривожланиш қонунияти уни башоратлашга имкон беради. Башорат (прогноз) - бу келажақда объектнинг холатини илмий асосланган мулоҳазаси.

Прогнозлар вақт давомига кўра қуидагича фарқланади:

- оператив – бир ойгача;
- қисқа муддатли - бир ойдан бир йилгача;
- ўрта муддатли - бир йилдан беш йилгача;
- узоқ муддатли - беш йилдан 15 йилгача;
- чексиз муддатли - 15 йилдан кўпроқ.

Шуниси аёнки, модани прогнозлаш маҳсулотни оммабоп ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг талаблари билан боғлиқ: уни ишлаб чиқаришни режалаштириш зарурлиги, янги модали намуналарни пайдо бўлишини режалаштириш, янги технологияларни ўзлаштириш, янги конструкцияларни яратиш зарурлиги билан асосланган.

Янги кийимлар коллекцияси тахминан ярим йилдан олдин намойиш этилади, лойиха эса 1-1,5 йилдан олдин қилинади. Күпинча қисқа ва ўрта муддатли прогноз қилинади.

Прогнозлаш асосида келажак түғрисида уч ўзаро боғлиқ манбаалар мавжуд:

- 1) прогнозланадиган объектни тараққиёт истиқболини маълум жараёнлар ва воқеалар аналоглари билан солишириш. Модани прогнозлагандаганда санъат асарнинг янги рағбатларини таққослаш: меъморчиликда формал-эстетик тилини, ҳайкалтарошни, рангтасвири, компьютер графикани ва б. ўрганиш;
- 2) ўтмишида ва ҳозирги вақтда ривожланиш қонуниятлари маълум рағбатларни келажакда шартли давомлаш (екстраполясиялаш). Модани циклсизон ривожланиши шундай прогноз қилиш учун имкон беради;
- 3) кутаётган ёки ҳоҳлаётган шартларга мос, уларни истиқболи аён бўлган моделларни яратиш. Дизайнда шундай моделни футуро лойиха дейишади. Уларга авангард дизайнерлар кийим коллекцияларини киритиш мумкин.

Мода прогнози ижтиомий прогнозларга асосланади, яъни ижтиомий эҳтиёжларга, турмуш тарзига, демографик ва таъминлаганлик даражасига ва ҳ.к. Ижтиомий прогнозлар аҳоли ва эксперктарни анкета сўрови, инсоннинг ёки ижтиомий грухни, инсонни яшаётган буюм муҳити, яшаш шароити ва ҳ.к. асосида прогноз қилинади. Айнан шундай маълумотлар келажак модани прогнозлашга имкон беради. Прогноз билан шугулланадиган мутахассислар - "тренд-скаут"лар, улар тасодифий модани ўрганишади, дискотека, премьеरалар, кўп одамлар йиғилган жойларга (рок-концертлар, стадионлар, савдо марказлар ва ҳ.к.) бориб, янги тамойилларни аниқлайди. Масалан, кийимни ноанъанавий кийиш усулини, элементлар бирикмасини, муайян услубларни. Бундан ташқари улар модада дизайнер - авангардистларнинг сўнгти коллекцияларидан келажак моданинг элементларини улар англаши мумкин. Йирик компанияларда албатта шундай тадқиқот бўлиmlари бўлиши лозим.

Модага умуман ориентация этиш фақат модани эътиборга олишинигина назарда тутмайди, балки унга таъсир этиш уни бошқаришга имкон беради. Модани эффектив бошқариш учун фақат муайян кўп ғояларни мавжудлиги эмас, балки уни пайдо бўлиш ва ўзгариш ижтимоий сабабларини тушиниш керак.

#### **Адабиётлар:**

1. Ермилова В.В., Ермилова Д.Ю. Моделирование и художественное формление одежды. - М.: Академия, 2000.
2. Г.М. Гусейнов, Ермилова В.В. Композиция костюма. - М.: Академия 2003
3. Пармон Ф.М. Композиция костюма. Одежда, обувь, аксессуары. - М.: «Триада плюс», 2002.

#### **Назорат саволлари**

1. Мода тушунчасини таърифлаб беринг.
2. Моданинг таркиби.
3. Мода функциялари.
4. Мода ривожланишининг асосий қонуниятлари.
5. Модани циклсизон ривожланиши.
6. Прогнозлар вақт давомига кўра қандай турларга бўлинади?
7. Мода прогнози билан шугулланадиган мутахассислар қандай номланадилар?

## **2-Мавзу. Мода уйлари тарихини ўрганишнинг аҳамияти ва келажаги**

### **Режа:**

- 2.1. Габриэль Бонер Шанель ҳамда Кристобаль Балансиага ижоди
- 2.2. Dolce & Gabbana бренди
- 2.3. Пьер Карден ва Гуччо Гуччи ижоди
- 2.4. Валентино Гаравани ва Джанни Версаче ижоди

*Таянч иборалар: мода, ассортимент, дизайнер, парфюмерия, модалар уйи, модернизация, бош кийим, модельер, безак, мато, либос.*

### **2.1. Габриэль Бонер Шанель ҳамда Кристобаль Балансиага ижоди**

Дизайнерлар мода саноатида маълум бир мавқега эга бўлган, шунингдек, истиқболли мода йўналишини аниқлаб берадиган, урфга кирувчи ассортиментларни белгилайдиган ижодкорлардир. Ҳар бир дизайнернинг ижоди ўзига хос бўлиб, у томонидан яратилган лиbosлар тўплами ўзгача йўналишга эга. Айрим дизайнерлар мода ва услугуб дунёсида афсонага айланадилар. Бундай номга эришиш учун уларга берилган қобилият ва албатта катта меҳнат эвазига эришадилар. Бу дизайннерлар ўз номлари билан мода саноатида ўчмас из қолдирганлар.

**Габриэль Бонер Шанель (Коко Шанель).** Мода ва услугуб билан қизиқадиган инсон борки, бу ном билан албатта танишган. “Chanel” номли мода уйини асосчиси ҳамда бутун дунёга ўзининг бетакрор парфюмериясини тақдим этган Габриэль Шанель XX аср модасига жуда катта таъсир кўрсатган. У жуда ҳам ёрқин, дадил, иродали ва дидли шахс бўлган. Габриэль Шанель 1883 йил Франциянинг Сомюре шахрида туғилган. У ёшлигини роҳибалар орасида ўтказган. Айнан уларнинг қора ва одми кийимлари ёш дизайннернинг келгусидаги антиқа лиbosлар тўплами учун ижод манбай бўлиб ҳизмат қилган. Коко Шанель 1910 йили Парижда аёлларнинг антиқа бош кийимлари учун дўкон очиб ўзининг иш фаолиятини бошлаган. Бу бош кийимларни сотиш эвазига ўзини молиявий аҳволини яхшилаган ва Парижда

биринчи Модалар уйини яратган. Ўша даврнинг модасига қарши бош кўтарган ҳолда, у аёллар кийимини модернизация қилган, яъни узун кенг юбкалар, тор корсетлар ва катта ҳажмдаги бош кийимлар ўрнига, эркаклар гардеробидаги кўп элементларни аёллар кийимида қўллаб қулай ва оддий кийимларни, шунингдек, машхур бўлган ҳаммабоп кичкина қора кўйлакни, марваридли тақинчоқларни, твид матосида костюмларни, кичкина ҳажмли бош кийимларни ҳамда бижутерия заргарлик буюмларини мода дунёсига олиб кирган. Унинг либослар моделлари орасида турли ҳил блузкалар, жакетлар ва шимлар ўрин олган. Бироқ ҳар доим ўзининг мижозларига юбка кийишни тавсия этган, чунки бу кийим тури аёлларни ҳар доим нозик ва нафосатли қилиб кўрсатган.

1921 йилда модельер ҳозирда бутун дунёга машхур бўлган “Chanel №5” атирини тақдим этган.

1926 йили Шанель кичкина қора кўйлакни яратган. Бу кийим узунлиги тиззагача бўлиб, ҳеч қандай безакларсиз, ёқа ўмизи думалоқ шаклли ва енглари узун бўлган. Коко Шанель ўзининг услубида силуэт, фасоннинг одмилиги ва сиполигини, аёллар қоматини камчиликларини беркитиб ва гўзаллигини янада кўркам қилиб кўрсатиб берган.

1950 йилдан бошлаб Мерлин Монро, Элизабет Тейлор ва бошқа америка кино юлдузларига либосларни яратувчи, Голливуднинг дизайнери бўлган. 1955 йилда яна мода оламига қайтиб тўғри бурчакли ингичка занжир дастакли сумкани яратган. Коко Шанель умрининг охиригача ижод билан шуғулланган, 87 ёшда вофот этган. Кейинчалик унинг Модалар уйини таниқли дизайнер Карл Лагерфильд бошқарган.

**Кристобаль Баленсиага** – Испаниянинг миллий ғурури, мода оламида устоз бўлган. У ҳар доим оммадан ўзининг шахсий ҳаётини сир тутган, ҳеч қачон оммавий ахборот воситаларига интервью бермаган. Унинг ҳаёти ҳақида фақатгани яқин дўстлари орқали маълумотлар тўпланган.

Кристобаль Баленсиага 1895 йил Испанияда туғилган. Отаси балиқчилик билан шуғулланган ва ўзининг ўғли ҳам шу касб эгаси бўлишини

жуда хохлаган, аммо онаси тикувчи бўлган Баленсиага, кийимни лойиҳалашга қизиқиб қолган. 12 ёшида тикув цехида ишлаб пул топиши бошлаган. Болада қобилиятни сезган маркиза де Касса Торрес уни текшириш мақсадида, дабдабали кийимини ва қимматбаҳо матони бериб кийим тикиб беришини юклайди. Кристобаль томонидан тикилган бу либос маркизага жуда ёқади ва у кейинчалик ёш дизайнерни Париждаги ўқишини молиявий таъминлаб беради. 1919 йили Баленсиага Сан-Себастьянда ўзининг Модалар уйига асос солади, бир йилдан сўнг Мадридга кўчиб ўтиб кийим тикиш бўйича устахона очади. Фуқаролар уруши даврида Парижда қирол оиласига ва бой хонимлар учун либослар яратади. Кристобаль Баленсиага нафақат кийимлар дизайнини яратади, балки ўзи лойиҳалайди ва тикиб бера олиш маҳоратига ҳам эга бўлган. 40-60 йилларда ўзининг либослар тўплами билан ҳаммани лол қолдирган. У мода оламига тўғри бичимни, трапеция кўйлакларни, копюшонли жакетларни, қутили шляпаларни ҳамда 3/4 енгларни киритди. 1972 йили дизайнернинг ўлимидан сўнг, “Balenciaga” брендини бир неча бор қайта тиклашга ҳаракат қилинди. 1997 йил француз дизайнери Николя Гескьера бошчилигида ва Gucci Group билан бирлашиб “Balenciaga” Модалар уйи яна мода оламига қайтиб келди. 2011 йил Кристобалнинг шахри бўлган Гетарида музей очилиб, унда ижодий фаолиятининг турли даврдаги ҳашаматли либослардан ташкил топган мингдан ортиқ экспонатлар жойлаштирилган.

## **2.2. Dolce & Gabbana бренд**

**Dolce & Gabbana** – бу Ўртаер денгизи анъаналарини замонавий мода тенденциялари билан уйғунлашганидир.

Доменико Дольче 1958 йил Сицилияда туғилган. Унинг отасида кичкина кийим тикиш магазини бўлиб, оиласига катта фойда келтирмаганлиги сабали, улар жуда камбағал яшашган. У ёшлигидан отасининг ательесида қўғирчоқларга кийим тикиб, тикув ишларида истеъдодлиги ва моҳирлиги туфайли “Моцарт” лақабига эга бўлган. Доменико бадиий мактабни тугатиб Мilanга йўл олади.

Унинг ҳамкори Стефано Габбана 1962 йили Италияда бадавлат хонадонда дунёга келган. У ёшлигидан қимматбаҳо ва урфдаги кийимларни кийиб юрган. Айнан Миланда улар дўстлашиб, 1985 йили кийим тикиш бўйича ателье очишади ва молиявий қийинчиликлар туфайли ўз намойишларини италиянинг кафеларида, шаҳар майдонларида ва истироҳат боғларида ўтказишидаи. Биринчи лиbosлар тўпламида улар италиян мумтоз кинолари сиймолари, барокко давридаги кўйлаклар ва анъанавий италиян костюм элементларини қўллаганлар. Кейинчалик уларни Миландаги мода намойишларига таклиф этганлар. 1992 йил аёллар учун Dolce & Gabbana Parfum атирини яратадилар, бунинг эвазига Халқаро парфюмерия академияси томонидан рағбатлантирилди. 1994 йилда ўзларини D&G брендини тақдим этадилар. Бу бренд остида джинс матосидан ва ёрқин аксессуарлар билан безатилган лиbosлар тўплами намойиш этила бошлайди. 1996 йилда улар томонидан узун қора кўйлаклар, капюшонли енгиз кафтандар ва ён томони қирқимли лиbosлар яратилди ҳамда Европа бутикларида сотилди. D&G брендининг асосий услуби ҳар қандай кийимда ҳам баланд пошнали пойабзал кийишидир.

### **2.3. Пьер Карден ва Гуччо Гуччи ижоди**

**Пьер Карден** – ҳақиқий ихтирочи ва ижодкор бўлган. У ўзининг иш фаолиятини Париж шаҳрида бошлаган турли соҳаларда янги лойиҳалар ва антиқа ечимлар билан оммани ўзига жалб этган. Унинг лиbosлари дабдабали ва башанглиги билан ажralиб туради. Замонавий моданий буюк кутурьеси 1922 йил Италияда туғилган. Молиявий жиҳатдан қийналган, катта оилани боқиши мақсадида Пьер Карден коллеждаги ўқишини ташлаб, ательега ва меҳмонхонага ишга киради. Кундузи ательеда устани қўлида ишлаб, кечаси меҳмонхонада фаррошлиқ қиласи. 1944 йил Парижга бориб Скиапарелли ва Кристиан Диор устахоналарида ассистентлик қиласи. Пьер Карден тиришқоқ бўлиб, дунёни забт этишини хоҳлайди. Ўзи томонидан яратилган лиbosлар намуналарини машхур “Balenciaga” Модалар уйига жўнатади, лекин

Баленсиага яратилган либослар ўта авангард услубида бўлганлиги учун унинг номзодини уч марта қайтаради.

1950 йил Карден ўзининг “Pierre Cardin” Мода уйига асос солади. Унинг машхур либосларидан бири “Летучая мышь” енгли туникала, калта сарафнлар, зич колготкалар, баланд қўнжли этиклар, тор шимлар ва гулли принтли галстуклар ҳисобланади. У либослар тўпламида дадил ранг бирикмаларини ва кийимда резина, металл, пластик қўймаларни қўллади, шунингдек, шишалар ва тошлар билан безатади.

Ив Сен-Лоран 1936 йил Алжирда моддий жиҳатдан таъминланган юристлар оиласида туғилган. Онаси унинг дизайн санъатига иқтидорини сезган ҳолда уни ижодий қобилиятини ривожлантиришни бошлайди. 18 ёшида унинг оиласи Парижга кўчиб келади ва у кийим эскизларни яратишни ўрганади. 1954 йил Сен-Лоран томонидан яратилган оқшом кўйлаклари ёш дизайнерлар танловиди совринли ўрин эгаллади ва уни Кристиан Диор ўзига асистент қилиб ишга олади. Диорнинг ўлимидан сўнг 21 ёшли Лоран Christian Dior Мода Уйининг арт директори бўлади. 1958 йили у “Трапеция” номли ўзининг биринчи либослар тўпламини намойиш этади.

**Гуччи** Гуччи 1881 йил Италияда савдогар оиласида дунёга келади. 17 ёшида у “Савой” меҳмонхонасига ишга киради ва бадавлат мижозларнинг машхур брендли сумка ва чемоданларни томоша қилади. Ўша даврдан бошлаб чармдан юқори сифатли сумка, чемодан ва пойабзал ишлаб чиқаришга қарор қилади. 1921 йил Флоренцияда чарм маҳсулотларини сотадиган магазин очади. Фойдани ошириш мақсадида Гуччи биринчилардан бўлиб, истеъмолчилар учун VIP картани ихтиро этади. Гуччини тўпламларида бамбук дастали сумкалар ва тақилмали мокасиналар асосий ўринни эгаллади. 1989 йили унинг набираси Гуччи- Маурицио янги ижодий гурух тузиб, GG бренди остида фаолият юритиб келмоқда.

## **2.4. Валентино Гаравани ва Джанни Версаче ижоди**

**Валентино Гаравани** 1932 йил Италияда туғилган, унинг ёшлиги ательеда андозалар, тикув машиналари ва матолар орасида ўтган. 17 ёшида у модельер дизайнер бўлишни хохлайди ва Парижга йўл олади. У бир неча йил Баленсиагада ассистентлик қиласди. 1959 йил Римга қайтиб ўзининг Модалар уйини очади. 1962 йил дизайнер қизил рангли лиboslar тўпламини намойиш этади ва бу тўплам унга машҳурликни олиб келади. У ўзининг лиboslar тўпламида тахламалар, драпировкаларни ва ўсимлик, жонли принтларни, шунингдек, аёлларни гўзал қоматини кўрсатиш мақсадида мураккаб кашталар, мўйна ва декоратив элементларни қўллади. 1998 йил “Valentino” бренди остида аёллар ва эркаклар парфюмериясини ишлаб чиқара бошлади.

**Джанни Версаче** 1946 йил Италияда туғилган. 18 ёшидан бошлаб онасининг қўлида ишлаб тикиш сирларини ўрганган. 1973 йили Миланга кўчиб ўтиб италияning машҳур брендларига лиboslar тўпламини яратган. 1978 йил акаси Санто ва синглиси Донателла билан “Gianni Versace SpA” оиласиий корхонасини ва биринчи бутикни чиб, эркаклар лиboslari тўпламини тақдим этади. 1978 йилда Версаче ўзининг Модалар Уйи учун Қадимги Юнонлардаги Горгона медузанинг олтин бошини логотип этиб яратади. 1996 йил қалбаки маҳсулотларни кўпайганлиги сабабли бу логотипдан воз кечади. Версаченинг услуби – бу ёпишган силуэтли, чуқур декольте ўмизли лиboslar тўпламиdir. Шунингдек, у тор шимлар, мини юбкалар, корсетларни ҳам тавсия этган. Унинг услуби турли фактурали матоларни бир бири билан уйғунлаштириш бўлиб, чарм кружева ва тўрлар билан безаклар берган.

### **Адабиётлар:**

1. «Мода и стиль». Современная энциклопедия. – М.: Мир энциклопедий Аванта +Астрель.2006.
2. Зелинг. Ш. «Мода Век модельеров». 1900-1909- Kone mann, 1999.

## **Назорат саволлари**

1. Қайси таниқли дунё модасига ўз хиссасини қўшган дизайнерларни биласиз?
2. Замонавий дизайннерларни ижодлари ҳақида гапириб беринг
3. Ўзбек дизайнерлар ҳақида маълумот беринг

### **3-Мавзу: Материал, жиҳозларни танлаш ва улардан фойдаланиш**

#### **Режа:**

3.1. Иш фаолиятида қўлланиладиган қалам турлари

3.2. Кўлланиладиган бўёқ турлари

*Таянч иборалар: этюд, дизайнер, қоралама, эскиз, расм, мелли қалам, пастель қалам, бадий восита, иллюстратор, материал.*

#### **3.1. Иш фаолиятида қўлланиладиган қалам турлари**

Ижодий фаолиятини бошлиётган дизайнерга ижод қилиш учун материал ва жиҳозлар зарур. Иш бир неча оддий қофоз ва оддий қаламлардан бошланади. Расмнинг самарали натижасига қўлни ишлатиш техникаси, расм чизиш тезлиги, қаламни босиш даражаси таъсир кўрсатади.

Дизайнерлар томонидан қўлланиладиган замонавий материаллар моделни аниқроқ тавсифлашга, мато текстурасини ифодалашга ва расмни янада тушунарли, ҳамда кўргазмали бўлишига имкон яратади.

Этюдникдан ҳар ерда фойдаланиш мумкин, аммо дизайнер учун унинг талабларига мос ташкиллаштирилган аниқ маҳсус иш жойи бўлиши зарур. Ранглар билан иш олиб бориш жараёнида, иш жойи табиий ёруғлик манбай билан таъминланган бўлиши, бунда ёруғлик деразадан ёки харакатли кундузги лампалар (нурнинг тўлиқ спектр) орқали етказилиши ва танланган жой эътиборни бир ерга жамлашга имконият яратиши керак.

Иш жараёнида дизайнер учун стол ва креслони мустаҳкамлиги, ҳамда кулайлиги таъминланиши муҳимдир. Кўпгина дизайнерлар қия юзада

чишишни хуш кўрадилар. Бундай вазиятда тиргакли чизмачилик доскадан фойдаланиш мумкин.

Дизайнерлар ишлатадиган турли хил материалларни кўриб чиқишдан олдин, қалам ёки ручкани тўғри ва нотўғри ушлаш усуллари орасидаги фарқларни аниқлаб олиш зарур.

Қаламлар қаттиқлиги ва юмшоқлиги билан баҳоланади. Расм чизиш жараёнида аъло натижага эришиш учун қаламнинг ён қисмидаги ҳарфларга эътибор бериш керак, чунки улар қаламнинг қаттиқлик даражасини билдиради. Бинобарин, “Н”дан “ЕН”гача бўлган қаламлар суст чизиқларни чизишда, қоралама эскизларни дастлабки босқичида қўлланилади. “В”дан “6В” гача бўлган қаламлар, чизилган расмга ҳажм беришда, босимни ўзгартириб бир вақтнинг ўзида юмшиқ чизиқларни ва аниқ тўқ штрихлар бирикмасини яратишда ишлатилади.

### **3.2. Кўлланиладиган бўёқ турлари**

Расмни ифодалашда юмшоқ ва ноаниқ самарага эришиш учун кўлланиладиган *рангли қаламлар (меллар)нинг* ранглар кўлами кенг, яхши тусга эга ва сувда эрувчан бўлиши лозим. Мелли қаламлар кўмирга ўхшашиб хусусиятга эга, уларни ингичка чизиқлар чизиш, кенг қамровли туслар бериш, ҳамда пастель қаламлар билан қўшиб ишлатиш мумкин.

Гель сиёҳли *шарикли ва роллер-ручкалар* кенг кўламли ҳаммабоп бўлиб, фойдаланиш учун қулайдир. Бунда ручкаларни чизма асбоблари сингари ушлаш ва ишлашга қулай бўлганларини танлаш зарур. Мўйқалам дизайнерга турли қалинликдаги, тез, моҳир ва ифодали мужмал чизиқларни яратишга имкон беради.

*Графитли қаламларнинг* қаттиқ турида жуда ингичка, нимжон чизиқларларни, ҳамда бармоқ билан юргизиш мумкин бўлган тўқ ва юмшоқ чизиқларгача чизишда фойдаланилади.

*Chinagraph* мумли қаламлар ҳар қандай юзада дадил чизиқларни чизишда ишлатилади.

**Conte қаламлари** - пастель меллари бўлиб, унинг ёрдамида жуда юмшоқ, ҳамда тўқ ва аниқ бўлмаган чизиқлар яратиш мумкин.

**Кўмирли қаламларнинг** асоси писта кўмирнинг қалам қўринишидаги шакли бўлиб, унинг турлича навлари мавжуд. Кўмир ёрдамида турли хил ўта юмшоқ ва ингичка чизиқлардан тўқ ва қалин чизиқларгача чизиш мумкин.

**Қаттиқ ёки юмшоқ Chalk pasteli.** Мойбўёқ (пигмент), лой (глина) ва араб елими (гуммиарабик), шунингдек бўёқлар билан бирга боғлангандир. Пастель қуруқ, ҳамда майдалангандан мойбўёқ порошогидан, паста ҳосил бўлгунча ёпишқоқ модда билан аралашиб қотганда ўзига хос қайроқча (брусочки) ёки ўзакдан иборат бўлади. Улар бошланғич рангга яқин бўлиб, деярли бегона аралашмалардан холисдир. Мелли қалам - ёғли модда билан елимланган мел бўлиб, қалин ва ёрқин чизиқларни ҳосил қилиш имкониятини беради.

**Маркерли ручкалар (спирт маркибли)** рангларнинг фантастик кўламига эга.

**Акварель** асосан араб елими (гуммиарабик), глицерин ва рангли мойбўёқдан иборат бўлиб, тушдан фарқли юмшоқ ранглар гамасини беради.

**Гуашь** - асоси сувдан иборат, шаффофф бўлмаган суюқлик бўлиб, текис ранг ётқизиш учун қўлланилади.

**Акрил бўёқлари** -бу энг замонавий бадий воситадир. Акрил бўёғининг асосий тавсифи - уларнинг ўзгарувчанлик имкониятининг борлиги дидир. Улар жилосиз ёки шаффофф бўлишлари мумкин, бу эса эскизнинг нозик безагини ҳосил қилиш имконини яратади.

**Мойли пастелларасалари** ёки минерал муми ва қуrimайдиган вазелин билан боғланган мойбўёқдан таркиб топган. Улар дадил, тузилишли чизиқларни ҳосил қилишга, тез бажариладиган қоралама эскизларни чизишга ишлатилади.

**Фломастер** - Расм чизишнинг замонавий техникаси бўдиб, иллюстрация, реклама ва лойиҳалар яратишда қўл келади. Ишлаш жараёни рангли қаламлар билан ишлаш жараёнига ўхшашиб. Фломастер ва рангли

қаламларнинг бирикмалари яхши натижа беради.

*Маркер* -деб аталувчи кенг ўзакли фломастерлар тўйинган, тоза тусда бўяшдан ташқари кенг юзани тезда бўяш имконини беради. Учи мойқалам шаклида бўлган фломастерлар, оғиш бурчагига боғлиқ холда, чизик йўғонлигини ўзгартириш имкониятини туғдиради.

Кўпчилик иллюстраторлар таркибида спирт мавжуд бўлган эритмали фломастерларни ишлатишади, чунки сиёҳ жуда тез буғланади ва қуриб қолади.

*Тушъ* – юқори бўёвчи ҳусусиятга эга суюқ субстанция бўлиб, агар қуюқ тушь билан ишланса, унда сув билан аралаштирилади, натижада тўлқинли, шаффоф, ингичка чизиқли, аниқ ва контраст эскизларни яратишга имкон беради.

*Степлер, елим, никобловчи ва икки томонлама тасмалар*материалларни умумлаштиришда, қатламларни қайд қилиш ва бирлаштиришда, чизма атрофларини никоблашда қўллаш зарур.

*Стиккерлар*альбомга материал бўлагини ва бошқа элементланрни қўшишда ишлатилади.

### **Адабиётлар:**

1. X.X.Kamilova, N.A. Isaxodjayeva, K.R. Fuzailova. Kastyum kreativ grafikasi. Fan va texnologiya. 2017
2. Noel Chapman va Judith Cheek. Creativ fashion drawing, London, Arcturus,2012

### **Назорат саволлари**

1. Қандай қалам турларини биласиз?
2. Қаламларнинг турларига қараб мўлжалланганлигини гапириб беринг
3. Бўёқ турларини санаб беринг

## **4-Мавзу: Дизайнерларда қўлланиладиган қоғозлар ва жихозлар турлари**

### **Режа:**

4.1. Иш фаолиятида қўлланиладиган қоғоз турлари

4.2. Кўлланиладиган жихозлар

*Таянч иборалар: модельер, формат, қоғоз, силлиқ қоғоз, эскиз, ўртадонали қоғоз, қоралама эскиз, материал*

#### **4.1. Иш фаолиятида қўлланиладиган қоғоз турлари**

Қоғоз модельерларда кўпроқ қўлланиладиган материал бўлиб, унда расм чизилади, лойиҳани тақдимоти даврида эскизни одатда мато намуналари тўлдиради. Қоғознинг турлича навлари мавжуд, уни танлашда, нима билан чизишни аниқлашимизга боғлиқ. Расм чизиш учун оригинал кўринишидаги ва форматдаги қоғозни танлаш ижодий сиймоларга янги ўзгача қўшимча бўлиши мумкин.

*Майдадонали ва сатинли қоғозларда* кул рангнинг барча гаммасини қўллаш, аниқ эскизлар яратиш, графитли ва рангли қаламларда ишлаш яхши натижага эришилади. Рангли қаламлар билан оқ силлиқ қоғозда эскизларни чизиш, сифатига салбий таъсир кўрсатади, бундай қоғозларда фломастер билан ишлаш яхши самара беради. Фломастер билан ишлашда кўпроқ Лайот - қоғози мос келади. Уни юқори сингиш ҳусусиятга эга бўлиши сиёҳни ўзига яхши шимиб олади.

*Йирикданали қоғозлар* модельер томнидан чизилган расмларга тўғри келмайди, чунки қоғозни бўяганда майда оқ доғлар ҳосил бўлади. Бу эса, расмнинг аниқлик сифатини камайтиради. Кўпроқ ўртадонали қоғоз - Кансон тавсия этилади. У ўртача қалинликда ва турли рангларда бўлади. Акварель билан ишлаш учун маҳсус қоғоз талаб этилади. Бунда юқори сингиш ҳусусиятли ўртадонали қоғозлар маъқул келади (зигир ва пахта тола, целлюлозадан ишлаб чиқилган).

## **4.2. Қўлланиладиган жиҳозлар**

### ***Стандартга тўғри келмайдиган форматли ва тузилишили қоғоз.***

Либослар тўплами ва услуб яратиш қобилиятига эга бўлган дизайннер эскиз чизиш учун қоғоз форматини танлаб, ўзининг ижодий имкониятларини қўллашимумкин. Бунда дизайннер, ижодий жараёнини рағбатлантириш ва эскизларига оригиналлик бахш этиши учун ноодатий форматдаги ва тузилишдаги қоғоз турини танлашга ҳаракат қилиши лозим.

### ***Расм чизиш учун блокноттурли хил форматда ва сифатда бўлади.***

Варақларининг ўлчами ва қўлланилишда осонлиги билан фарқланади. Одатда, улардан лойиҳаларни яратишка фойдаланилмасада, бошланғич ғояларни белгилаб қўйишида, қоралама эскизларни чизишида, илҳомланган эскизлар суратини ёки материаллар бўлагини ёпиштиришида қўлланилиши мумкин.

***Восковка (нусҳа кўчириши учун ишлатиладиган мум қоғоз).*** У калька қоғозига ўхшаб ишлатилади. Техник расмни яратишка агар кийим симметрик бўлса, унинг фақат бир томони чизилади, иккинчи томони калькага туширилгандек, нусҳа кўчирилади. У эскизларни қўчиришида, шунингдек, кийим ҳақида турли маълумотга эга бўлган иккита расмни тушириш мумкин.

Дизайнернинг ижодий ишига аввалги бўлимда кўрсатиб ўтилган материаллардан ташқари замонавий жиҳозлар ҳам зарурдир.

***Лайтбокслар*** расм чизиш учун қоғозда бевосита ишлашни хуш кўрадиганлар учун фойдалидир. Агарда нусҳа кўчириш керак бўлса, расмнинг қоғоз бўлаги жойлаштирилиб, чегараси устидан юргизилади.

***Компьютер, принтер ва сканер*** ижодий фаолият жараёнида фойдалибўлиб, дизайнга замонавий ёндашиш имкониятини яратади. Шахсий компьютер *Photoshop*, *Illustrator*, *Corel в 2D* замонавий дастурлар билан таъминланган бўлиши керак. Бугунги кунда тасвирларнинг сифатини яхшилашнинг кўп усуллари мавжуд: текстура ва рангни қўшиш, сканер

қилинган расмнинг масштабини ўзгартири, бир неча расмларни бирлаштириш ёки суратлар, тасвиirlар, ва матнлар қўйиб коллажлар яратиш.

### **Адабиётлар:**

1. X.X.Kamilova, N.A. Isaxodjayeva, K.R. Fuzailova. Kastyum kreativ grafikasi. Fan va texnologiya. 2017
2. Noel Chapman va Judith Cheek. Creativ fashion drawing, London, Arcturus, 2012

### **Назорат саволлари**

1. Қандай қофоз турларини биласиз?
2. Қофознинг турларига қараб мўлжалланганлигини гапириб беринг
3. Дизайнерга зарурий жихоз турларини санаб беринг

### **5-Мавзу: Одам қоматини ўрганиш**

#### **Режа:**

5.1. Одам қоматининг пропорциялари

5.2. Одам қоматини чизиш тартиби

*Таянч иборалар: мода, одам қомати, эскиз, ижодий ёндашув, мумтоз қонун, пропорция, тасвир, лойиҳа, образ, модельни услублаш, иллюстратор.*

#### **5.1. Одам қоматининг пропорциялари**

Мода соҳасида мутахассис бўлиб етишиб чиқаётган талабалардан одам қоматини тасвиirlаш катта куч, ҳамда қонун-қоидалар ва тимсоллар орқали ифодаланган гўзаллик қонунларини излаш ва қайд қилишни талаб этади. Қонун - қоидаларни ўрганиш –бу одам қоматини тўғри чизиш учун зарур бўлган база бўлиб, эскизда ижодий ёндашув бўлишига қарамасдан, кийим тузилиши одам қоматига мосланган бўлишини ҳисобга олиш зарур.

Одам танаси пропорцияси деганда тахминий мүлжал кодекси тушунилади. “Академик” деб аталувчи қомат юонон-рим қоидаларидан пайдо бўлиб, эркак, аёл ва бола қоматларини аниқлаштирилмаган ҳолда, улар ҳақидаги асосий тасавурларни беради. Тананнинг турли бўлакларини солиштиришга имкон яратадиган мумтоз қонун-қоидваларнинг бош тамоили модуллар асосида қурилади (катта одам қоматига саккизта модул баландликка ва иккита модул кенгликка). Бу модуллар тизими қоматни тасвиrlашни енгиллаштирадиган эътиборли бошқа нуқталарни таққослашга ҳам имкон беради.

Одам бошини тасвиrlашнинг мумтоз қонун- қоидаларига асосан, унинг ўлчами пешона баландлигига тенг бўлган уч яrim модулга мос келади, шунинг учун бош уч яrim қисмга бўлинади. Расмда модельер учун бошқа нисбат мавжуд: одам юзини тасвиrlашда тўртта бир ҳил бўлакка тақсимланади. Биринчи бўлаги, соч чизиқларига, иккинчи бўлаги кўзлар баландлигига мос келади, учинчиси бурун асоси ва охиргиси даҳан бўйича ўтади.

Бош шакли тухумнинг шаклини эслатади, бунда юқори қисми бош суюгининг тепа қисми чегараси, пастки қисми жағ билан шакллантирилади. Бошнинг фас қисми симметрик бўлиб, рассом учун ушбу симметрия таянч вазифасини бажаради. Одам юзини икки қисмга бўлувчи вертикал чизик ўтказилса, юз чизиқларини тасвиrlашда пропорцияларга риоя қилишга имкон яратувчи симметрик ўқини ҳосил қилинади.

Бош фасга нисбатан профилда думалокроқ тасаввур этилади. Мумтоз қонун-қоидаларга асосан, унинг ўлчами уч яrim модулга тенг, лекин мода расмлари учун одам бошини тенг иккига икки қисмга бўладиган вертикал ўқни яратиш кифоядир. Бу ўқ қулоқларни тўғри жойлаштириш учун ёрдамчи чизик сифатида химзмат қиласи. Бошнинг фас кўринишида тасвиrlаш учун аниқлаштирилган қонун-қоидалар уни профийилда тасвиrlаш учун ҳам ҳизмат қиласи. Бошнинг фас томонидан қуришда фойдаланилган ёрдамчи горизонтал чизиқлар, бошни профилдан ҳам қуришга ёрдам беради.

Учбурчак – геометрик шакл бўлиб, кўзни профилда тасвирашга, шунингдек лабнинг тасвирини кўрсатиб беришга ёрдам беради.

Юзни тасвирашда унинг қисмлари орасида маълум нисбатлар мавжуд. Юзни горизонтал бўйича кўзни ўлчамига мос келадиган оралиқда учта сегментга бўлиш мумкин. Кўзлар орасидаги масофа кўзнинг кенглигига teng, бу эса буруннинг кенглигини аниқлайди. Кўз қулок билан бир сатҳда жойлашади. Вертикал бўйича ҳам юз уч қисмдан тузилади. Энг юқоридаги – бу пастки секциянинг икки баробар кенглиги буруннинг узунлигини аниқлайди. Иккита пастки секция лаб ва даханинг кўрсатади. Лаб шаклини чизишда, юқориги лаб пастки лабга нисбатан ингичкалигини хисобга олиш керак. Бу элементларга қошнинг ёйи ҳам қўшилса, юзни чизиш учун маъқул схема ишлаб чиқилади.

Кўл – тананинг юқори қисмида жойлашган бўлиб, у тўртта харакатчан қисмлардан иборат: елка, қўлнинг тирсакгача бўлган юқори қисми (елка), билак-тирсак ва кафт. Кўл ва кафт қоматга нисбатан олинган пропорцияга эга бўлса ҳам эскизни услублашда уларнинг ўлчамлари бузилиши мумкин, лекин улар модел сиймосига уйғун бўлиши керак.


Кўлларнинг ўзига хос шаклини тасвираш учун энг аввал тўғри бирикмани ифодаловчи оддий схемани қўллаш лозим. Кўл чизишнинг энг яхши усули – бир- бирига устма-уст қўйилган овал шакллар ёки қўлнинг хажмли шаклини ҳосил қилиш учун цилиндрларга асосланишидир. Контур чизилгандан сўнг бўртиб турган мушакларга: елка, бицепс (икки бошли мушак) ва билак-тирсак хажмига эътибор қаратиш лозим (бу айниқса эркак қўлига тегишли).

Аёл қўли эркак қўлидан кескин фарқ қиласди, унинг тасвири нафисроқ бўлиши керак. Бўртиб турган мушакларнинг йўқлиги, пропорцияларнинг текислиги ва контурга чизилган чизиқларнинг нафислиги унга хос. Тирсак ва кафтини бирлаштириб турувчи соҳа эркакнидан торроқдир.

Кўлни схематик тасвирлаш учун марказий ўқни белгиловчи тўғри чизиқни ва ёнига жойлашган қўл аъзолар қўшилишини кўрсатадиган овал шаклларни асос қилиб олишимиз мумкин.

Кафт - бу қўл ифодасининг кўзга ташланадиган қисмидир, ва уни турлича тасвирлаш имкони кам тажрибага эга бўлган рассом учун маълум қийинчиликлар туғдиради. Яхши чизилган кафт моделга улкан нозиклик бағишлайди, ёмон чизилган кафт эса яхши ишни бузиб қўйиши мумкин. Кафтнинг икки томонини кўриб туриш керак: пай тугаб бармоқ бўғинлари бошланадиган орқадаги томони ва гўштли мушаклар сабабли юмалоқ шаклларда бўлган кафт томони.

Кўл кафти ўлчамларини яхшироқ тушуниш учун ташқи контурни аниқлашда геометрик схемага асосланиш керак, сўнг чизиқ ва оваллар воситалигида бармоқларни тасвирлаш устида иш давом эттирилади. Маълумки, ҳар бир бармоқнинг узунлиги турлича, аъзо биримаси ҳар-хил нуқталари ва ҳаракатлари бармоқлар устига жойлашадиган билинрабилинмас эгри чизиқ ёрдамида кўрсатилади. Улар тутган ҳолати концентрик ёйлардан тузилган схемага жавоб бериши лозим.



1-Расм. Кафтнинг пропорцияси

Аёллар оёқлари тўлқинсимон контурга эга бўлиб, ундаги астасекин чизилган эгри чизиқлар битта узун чизиқ билан чизилган бўлиши керак. Оёқларни тўғри чизиш учун мушаклар ташкил қилган контурга, уни тизза ва тўпик соҳасидаги торайишига эътибор қаратиш


зарур.

Оёқ панжалари билан биргаликда оёқ пропорционал равища қоматнинг умумий қонун-қоидаларида тўртта модулни эгаллайди. Оёқ узунлиги қоматнинг умумий баландлигидан ярмини ташкил этишини назарда тутиш керак. Оёқ учта харакатчан бўлаклардан иборат: сон, болдир, панжа бўлиб, улар ўзаро сон, тизза ва тўпиқ бўғимлари билан бирлашади. Сон ва болдир бир хил узунликда бўлади. Кўл схемасида бўлгани каби, оёқ схемасида ҳам юмалоқ ва эллипссимон шаклларни устма-уст қўйилишдан иборат бўлиши мумкин. Аёллар оёғи мушаклари шакли яққол ифодаланган бўлмайди, унинг контури – тўлқинсимон, соннинг контури тиззага яқинлашган сари аста – секин кичрайиб тиззани шакллантирувчи айлана озгина дўнглик ҳосил қиласди. Оёқнинг пастки қисми товонга яқинлашган сари тораяди. Агар модель пошнали пойабзал кийган бўлса, болдир ҳажмга эга бўлади.

Оёқ бирлашиш нуқтаси тиззада бўлган юмалоқ контурли иккита узунроқ шаклитда тузилиши мумкин. Оёқ панжаси учбурчак шаклида ифодаланади.


Кўп холларда моделлар баланда пошнали пойабзалда бўлади, шу сабабли кўтарилиган жойида букилма ҳосил бўлади. Бундай пайабзалда оёқ башанг кўринади. Товннинг кўтарилиганлиги оёқ панжаси бармоқларига нисбатан тўпиқлардан тиззагача яққолроқ кўринган эгри чизикни ҳосил қиласди. Бошқа томондан ўтирган холатдаги қомат чизилганда, айниқса оёқлар чалиштирилган бўлса уларнинг узунлиги одатдагидан узунроқ бўлиши керак . Акс холда улар калта бўлиб қолади.

Моделларни тасвирлаш учун оддий бўлган оёқ панжалари билан биргаликда оёқларнинг тутган холати турлича йўналтирилиган бўлади. Масалан, бир оёқ профиль кўринишда жойлашган, иккинчиси  $\frac{3}{4}$  холатда фронтал жойлашган. Бу бир оёқни профиль холатида иккинчисини фас холатида чизишга ундейди.(2-расм)



2 -расм. Оёқ панжасини чизиш кетма-кетлиги

Моделнинг график тасвири – бу ижодий ғояларнинг “илингандилгак” тасвири. У тана шакли ва гавданинг туриш ҳолатини ажратиб турувчи контурли расмга асосланиб қурилади. Битта модель турли вариантдаги кийим ларни яратиш учун қўлланилса ҳам бўлади. (3-расм)



3-расм Қоматни чизиш тартиби

Одатда модельер қоматни услублашган ва янада мукаммаллашган қомат тасвирин яратиш мақсадида реал тасвирдан узоқлашади. Бўрттириш-мода иллюстраторлари ва дизайнерлари орасида таббий холдир, бунга эришиш учун тана пропорциясидаги айрим ўзгаришларни қабул қилиши керак


Тасвир истеъмолчини нафақат дизайннинг мукаммаллиги балки, ишнинг нафис бажарилганлиги билан ҳайратда қолдириши керак. Шунинг учун ҳар бир профессионал мутахассис унинг ўзи яратган характерли расмга эга бўлиши керак ва шу расм асосида тўплам лойиҳасининг асосий ғоясига мос бўлган услубий ва самарали образлар яратиши керак. Академик расмдан узоқлашиши керак, лекин юқорида кўриб ўтилган одам танаси асосий тузилмасини унутмаслик керак. Агар бу қоида назарда тутилса, расмни услублаш бир мунча осон кечади.

## **5.2. Одам қоматини чизиш тартиби**

Нафис қоматни ҳосил қилиш учун тананинг баъзи қисмларини узайтириш кифоя. Биринчидан, бошни озгина қисқартириш, бўйин узунроқ, торс пропорцияси- оёқка нисбатан бир мунча кирайтирилган, оёқлар эса узайтирилган бўлиши лозим. Агар модель баландлигини катталаштириш талаб этилса, дизайнер тана баландлигини бир ёки икки модулда катталаштириши керак, бунда тананинг турлича булаклари ўртасидаги тўғри пропорциялар сақланиб қолади (тўққиз ёки ўн бошидаги тана ҳосил бўлади). Бу холда анатомик нисбатлар ўзгармасдан қолади. Оёқ-қўл ва тана бўлаклари узунлиги эса ўзгаради. Моделни услублаштиришни ажralиб туришини таъминлашнинг яна бир усули – мушак массасини камайтириш. Бу усул қоматни катталаштирмасдан ва базавий пропорцияларни деярли ўзgartирмасдан реал қоматни келишканроқ килишга имкон яратади. Бел ва бўкса тораяди, қов суюк бирмунча кўтарилади, қўл, оёқ ва бўйин ингичкалашади, бош ва оёқ панжалари эса бошланғич ҳажмни сақлайди. Бу эса тана пропорциясига нисбатан уларнинг ўлчамини каттароқ этиб идрок этишга ундейди

Одам қоматининг базавий тузилмаси тўғри пропорцияга эга бўлган ҳолатда, дизайнер бир мунча эркинликка йўл қўйиши мумкин. Масалан, кийим эскизига мос бўлиши учун моделни ўзгача қилиб ёки расмга услуб бериш мақсадида одам қоматининг маълум қисмларнинг пропорциясига ўзgartириш киритиши. Баъзи замонавий мода иллюстраторлари қуйидаги

усулларни қўллашади: бошнинг ўлчамларини катталаштириш (қўғирчоқ тури), қўз ўлчамларини катталаштириш (манго тури), ўта эгилувчан этиб кўрсатиш (резинали модель каби). (4 расм)




4- расм. Базавий пропорцияларни деярли ўзгартирмасдан реал қоматни келишканроқ қилиб тасвиirlаш.

Мувозанат ва ритм (қоматда мавжуд бўлган динамик таранглик) гавданинг тинч ва ифодали туриши учун муҳимдир. Мувозанатни ушлаб ва қоматга ритмли харакатни бериб, гавда туришини янада нафисроқ қилинади.

Мувозанат –қоматни қуришда энг муҳим олмилдир. Модель тўғри турганда мувозанатга эришиш жуда муҳим, акс ҳолда қомат йиқилиб тушаётгандек туйилади. Шакллар тўғри мувозанатга келтирилганлигини текширишнинг энг яхши усули, расмни бўй баробар марказий ўқ бўйича бошдан то оёққача вертикал чизиқни тасаввур қилишдир.



5-расм. Гавданинг туриш холати.



6-Расм. Гавданинг туриш холати чизмасининг кетма-кетлиги.

Торс иккита харакатчанг тузилмадан иборат: кўкрак қафаси ва тоздан. Шакл бўйича иккала жой трапецияни ифодалайди: торс – тўнкарилган трапецияни, тоз – оз-моз ясси трапецияни. Кўриниб турибдики, кўкрак қафаси олдинга оғади, тоз соҳаси эса-орқага. Кўкрак шакли ағдарилган юмалоқ идишга ўхшаш, ўлчам модель жуссасига қараб ўзгаради. Коринни қов супачаси асосида тутайдиган эгри чизик ифодалайди. Тана вазмини ва бўртмаларини тўғри тасвирлаш учун бу тузилмани тушуниш зарур.

Торс трапециядан тузилганбўлиши, бўксалар трапециясимон ёки учбурчаксимон шаклда берилиши мумкин. Бу базавий геометрик шакллар тана чизмасида ишлатилади.

Тоз елкалар билан умиртқа орқали бирлашади ва шу тарзда гавда ўқини хосил қиласди. Бундан келиб чиқсан холда елканинг ҳар қандай оғиши бўксаларни туриш холатига таъсир кўсатади деб ўйлаш мантиқа мувофиқдир. Демак, елканинг ҳар қандай оғиши бўксаларнинг туриш холатига таъсир этади. Бел ён томонларининг ҳар бир букилиши қарама қарши ҳаракат билан кузатилади, елкаларнинг ҳар бир ҳаракати эса тосгача бўлган масофани катталшишига олиб келади: агар елкалар ўнг томонга эгилса бўкса чизифи чапга эгилади, шунда тана доимий равища мувозанатда қолади. Баён этилган гавданинг туриш ҳолати контрапост (бир-бирига қарама қарши) сифатида танилган ва энг кўп тасвиirlанадиган ҳолатдир.

Бошқа томондан гавдани тузиша икки шакл сифатида торс ва бўкса бўлакларини мустакил равища бириктириб тасвиirlаш мақсадга мувофиқдир.

Торсни орт томондан диққат билан кузатилса, умутрқа поғонаси тананинг ўқи вазифасини бажаради ва симметрия чизигини ифодалайди. Уни чизиб, тананинг турли қисмлари нисбатланади ва чизиқнинг ҳар икки томонидаги ҳажмлпр бир хил бўлиши керак. Мода дизайннида орт қисм камдан- кам тасвиirlанади.

Моделлар кўпинча кийимни қўшимчалар билан тақдим этишади, бунда қўшимчалар торс ҳолатини ўзгартиради. Бу жараён модель сумка, портфель ва бош кийимни қўлда ушлаган ҳолатида намоён бўлади. Бу қўшимчаларни деярли оғирлиги бўлмасада, эътиборни шу нарсага жалб этиш учун услублашда улар гавдани пастга тортиши керак. Бинобарин, елкалар эгилади, қўл шу нарсани ушлаш учун чўзилади, томонларнинг бирига эгилган ҳолда, тана бу вазни тўғрилайди. Бўксанинг яққол букилиши елкаларнинг букилишишига қарама- қарши бажарилади

Профессионал моделларнинг ҳаракатланиш тарзи ўзининг кўркамлиги ва ҳавасни келтирадиганлиги билан инсонни ўзига мафтун этади. Бу елка ва бўкса чизиклари орасида доим қарама-қарши бўлган эгилиш йўли билан эришилади.

Торсни орт томондан тасвирлаганда, умуртқа ўқида эгрилик акс эттирилади.

### **Адабиётлар:**

1. X.X.Kamilova, N.A. Isaxodjayeva, K.R. Fuzailova. Kastyum kreativ grafikasi. Fan va texnologiya. 2017
2. Noel Chapman va Judith Cheek. Creativ fashion drawing, London, Arcturus,2012
3. Л.П.Шершнева и др. Основы прикладной антропологии и биомеханики, М: ФОРУМ ИНФРА-М, 2004

### **Назорат саволлари**

1. Одам қомати турлари
2. Кафт пропорцияси
3. Оёқ панжаси пропорциялари
4. Одамнинг юзини тасвирлаш

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР**

1- амалий машғулот

### **Материал, жиҳозларни танлаш ва улардан фойдаланиш**

**Ишдан мақсад:** Расм чизишда қўлланиладиган материал, жиҳозлар тури билан танишиш ва улардан тўғри фойдаланишни ўрганиш.

#### **Масаланинг қўйилиши:**

1. Расм чизишда қўлланиладиган иш қуроллари тури билан танишиш
2. Ҳар бир иш қуролини хусусиятларига асосан таҳлил этиш
3. Олинган таҳлил натижаларида тарқатма материаллар асосида иш қуролларини амалиётда қўллаш.


**Кўргазмали қуроллар:** Мавзуга оид тарқатма материаллар, тақдимот.

**Дарс ўқув қуроллари:** Турли қаттиқликдаги қаламлар, бўёқлар, ручкалар, ҳар хил турдаги қоғоз намуналари.


#### **Ишни бажариш учун намуна**

Иш жараёнида дизайнер учун стол ва креслони мустаҳкамлиги, ҳамда қулайлиги таъминланиши муҳимдир. Кўпгина дизайннерлар қия юзада чизишни хуш кўрадилар. Бундай вазиятда тиргакли чизмачилик доскадан фойдаланиш мумкин.

Дизайнерлар ишлатадиган турли хил материалларни кўриб чиқишдан олдин, қалам ёки ручкани тўғри ва нотўғри ушлаш усуллари орасидаги фарқларни аниқлаб олиш зарур. Расм 1- 2



1-расм. Қаламни нотўғри ушлаш холати



2- расм. Қаламни тўғри ушлаш холати

Қаламлар қаттиқлиги ва юмшоқлиги билан баҳоланади. Расм чизиш жараёнида аъло натижага эришиш учун қаламнинг ён қисмидаги ҳарфларга эътибор бериш керак, чунки улар қаламнинг қаттиқлик даражасини билдиради. Бинобарин, “Н”дан “ЕН”гача бўлган қаламлар суст чизикларни чизишида, қоралама эскизларни дастлабки босқичида қўлланилади. “В”дан “6В” гача бўлган қаламлар, чизилган расмга ҳажм беришда, босимни ўзгартириб бир вақтнинг ўзида юмшиқ чизикларни ва аниқ тўқ штрихлар бирикмасини яратишида ишлатилади. Расм 3.



3-расм. “Н” “В” “6В” қаламларни орқали берилган штрихлар намунаси

Расмни ифодалашда юмшоқ ва ноаниқ самарага эришиш учун қўлланиладиган *рангли қаламлар (меллар)нинг* ранглар кўлами кенг, яхши тусга эга ва сувда эрувчан бўлиши лозим. Мелли қаламлар кўмирга ўхшашиб хусусиятга эга, уларни ингичка чизиклар чизиши, кенг қамровли туслар бериш, ҳамда пастель қаламлар билан қўшиб ишлатиш мумкин. (Расм 4).

Гель сиёҳли *шарикли ва роллер-ручкалар* кенг кўламли ҳаммабоп бўлиб, фойдаланиш учун қулайдир. Бунда ручкаларни чизма асбоблари сингари ушлаш ва ишлашга қулай бўлганларини танлаш зарур. Мўйқалам дизайнерга турли қалинликдаги, тез, мохир ва ифодали мужмал чизиқларни яратишга имкон беради.

*Графитли қаламларнинг* қаттиқ турида жуда ингичка, нимжон чизиқларларни, ҳамда бармоқ билан юргизиш мумкин бўлган тўқ ва юмшоқ чизиқларгача чизишида фойдаланилади.

*Chinagraph мумли қаламлар* ҳар қандай юзада дадил чизиқларни чизишида ишлатилади.

*Conte қаламлари* - пастель меллари бўлиб, унинг ёрдамида жуда юмшоқ, ҳамда тўқ ва аниқ бўлмаган чизиқлар яратиш мумкин. (Расм 6-с)

*Кўмирли қаламларнинг* асосииста кўмирнинг қалам қўринишидаги шакли бўлиб, унинг турлича навлари мавжуд. Кўмир ёрдамида турли хил ўта юмшоқ ва ингичка чизиқлардан тўқ ва қалин чизиқларгача чизиш мумкин.

*Қаттиқ ёки юмшоқ Chalk пастели.* Мойбўёқ (пигмент), лой (глина) ва араб елими (гуммиарабик), шунингдек бўёқлар билан бирга боғлангандир. Пастель қуруқ, ҳамда майдалангандан мойбўёқ порошогидан, паста ҳосил бўлгунча ёпишқоқ модда билан аралашшиб қотганда ўзига хос қайроқча (брусочки) ёки ўзакдан иборат бўлади. Улар бошланғич рангга яқин бўлиб, деярли бегона аралашмалардан холисдир. Мелли қалам - ёғли модда билан елимланган мел бўлиб, қалин ва ёрқин чизиқларни ҳосил қилиш имкониятини беради.


*Маркерли ручкалар (спирт маркибли)* рангларнинг фантастик кўламига эга.

*Акварель* асосан араб елими (гуммиарабик), глицерин ва рангли мойбўёқдан иборат бўлиб, тушдан фарқли юмшоқ ранглар гаммасини беради.

**Гуашь** – асоси сувдан иборат, шаффоф бўлмаган суюқлик бўлиб, текис ранг ётқизиш учун қўлланилади.

**Акрил бўёқлари** –бу энг замонавий бадий воситадир. Акрил бўёғининг асосий тавсифи – уларнинг ўзгарувчанлик имкониятининг борлигидир. Улар жилосиз ёки шаффоф бўлишлари мумкин, бу эса эскизнинг нозик безагини ҳосил қилиш имконини яратади.

**Мойли пастелларасалари** ёки минерал муми ва қуримайдиган вазелин билан боғланган мойбўёқдан таркиб топган. Улар дадил, тузилишли чизиқларни ҳосил қилишга, тез бажариладиган қоралама эскизларни чизишга ишлатилади.



## Мойли пастеллар

**Фломастер** – Расм чизишнинг замонавий техникаси бўдиг, иллюстрация, реклама ва лойиҳалар яратишда қўл келади. Ишлаш жараёни рангли қаламлар билан ишлаш жараёнига ўхшаши. Фломастер ва рангли қаламларнинг бирикмалари яхши натижа беради.

**Маркер** -деб аталувчи кенг ўзакли фломастерлар тўйинган, тоза тусда бўяшдан ташқари кенг юзани тезда бўяш имконини беради. Учи мойқалам шаклида бўлган фломастерлар, оғиши бурчагига боғлиқ холда, чизик йўғонлигини ўзгартириш имкониятини туғдиради.

Кўпчилик иллюстраторлар таркибида спирт мавжуд бўлган эритмали фломастерларни ишлатишади, чунки сиёҳ жуда тез буғланади ва қуриб қолади.

**Тушъ** – юқори бўёвчи ҳусусиятга эга суюқ субстанция бўлиб, агар қуюқ тушъ билан ишланса, унда сув билан аралаштирилади, натижада тўлқинли, шаффоф, ингичка чизиқли, аниқ ва контраст эскизларни яратишга имкон беради.

**Степлер, елим, ниқобловчи ва икки томонлама тасмалар** материалларни умумлаштиришда, қатламларни қайд қилиш ва бирлаштиришда, чизма атрофларини ниқоблашда қўллаш зарур.

**Стиккерлар** альбомга материал бўлагини ва бошқа элементланрни қўшишда ишлатилади.

Қоғоз модельерларда кўпроқ қўлланиладиган материал бўлиб, унда расм чизилади, лойиҳани тақдимоти даврида эскизни одатда мато намуналари тўлдиради. Қоғознинг турлича навлари мавжуд, уни танлашда, нима билан чизишни аниқлашимизга боғлиқ. Расм чизиш учун оригинал кўринишдаги ва форматдаги қоғозни танлаш ижодий сиймоларга янги ўзгача қўшимча бўлиши мумкин.

*Майдадонали ва сатинли қоғозларда* кул рангнинг барча гаммасини қўллаш, аниқ эскизлар яратиш, графитли ва рангли қаламларда ишлаш яхши натижага эришилади. Рангли қаламлар билан оқ силлиқ қоғозда эскизларни чизиш, сифатига салбий таъсир кўрсатади, бундай қоғозларда фломастер билан ишлаш яхши самара беради. Фломастер билан ишлашда қўпроқ Лайот - қоғози мос келади. Уни юқори сингиш ҳусусиятга эга бўлиши сиёҳни ўзига яхши шимиб олади.

*Йирикдонали қоғозлар* модельер томнидан чизилган расмларга тўғри келмайди, чунки қоғозни бўяганда майда оқ доғлар ҳосил бўлади. Бу эса, расмнинг аниқлик сифатини камайтиради. Кўпроқ ўртадонали қоғоз - Кансон тавсия этилади. У ўртача қалинликда ва турли рангларда бўлади. Акварель билан ишлаш учун маҳсус қоғоз талаб этилади. Бунда юқори сингиш ҳусусиятли ўртадонали қоғозлар маъқул келади (зигир ва пахта тола, целлюлозадан ишлаб чиқилган).

*Стандартга тўғри келмайдиган форматли ва тузилишили қоғоз.* Либослар тўплами ва услуг яратиш қобилиятига эга бўлган дизайнер эскиз чизиш учун қоғоз форматини танлаб, ўзининг ижодий имкониятларини қўллашимумкин. Бунда дизайнер, ижодий жараёнини рағбатлантириш ва эскизларига оригиналлик бахш этиши учун ноодатий форматдаги ва тузилишдаги қоғоз турини танлашга ҳаракат қилиши лозим.

*Расм чизиши учун блокноттурли хил форматда ва сифатда бўлади.* Варақларининг ўлчами ва қўлланилишда осонлиги билан фарқланади. Одатда, улардан лойиҳаларни яратишида фойдаланилмасада, бошланғич ғояларни белгилаб қўйишида, қоралама эскизларни чизишида, илҳомланган эскизлар суратини ёки материаллар бўлагини ёпиштиришида қўлланилиши мумкин.

*Восковка (нусҳа кўчириши учун ишлатиладиган мум қоғоз).* У калька қоғозига ўхшаб ишлатилади. Техник расмни яратишида агар кийим симметрик бўлса, унинг фақат бир томони чизилади, иккинчи томони калькага туширилгандек, нусҳа кўчирилади. У эскизларни қўчиришида,

шунингдек, кийим ҳақида турли маълумотга эга бўлган иккита расмни тушириш мумкин.

Дизайнернинг ижодий ишига аввалги бўлимда кўрсатиб ўтилган материаллардан ташқари замонавий жиҳозлар ҳам зарурдир.

*Лайтбокслар* расм чизиш учун қоғозда бевосита ишлашни хуш кўрадиганлар учун фойдалидир. Агарда нусха кўчириш керак бўлса, расмнинг қоғоз бўлаги жойлаштирилиб, чегараси устидан юргизилади.

*Компьютер, принтер ва сканер* ижодий фаолият жараёнида фойдалибўлиб, дизайнга замонавий ёндашиш имкониятини яратади. Шахсий компьютер *Photoshop*, *Illustrator*, *Corel в 2D* замонавий дастурлар билан таъминланган бўлиши керак. Бугунги кунда тасвирларнинг сифатини яхшилашнинг қўп усуллари мавжуд: текстура ва рангни қўшиш, сканер қилинган расмнинг масштабини ўзгартири, бир неча расмларни бирлаштириш ёки суратлар, тасвирлар, ва матнлар қўйиб коллажлар яратиш.

### **Назорат саволлари:**

1. Дизайнернинг иш фаолияти тўғри ташкиллаштириши учун хонани жиҳозлашда қандай воситалар бўлиши керак?
2. Қаламнинг қаттиқлик даражаси нимага боғлиқ ва у қандай шароитларда қўлланилади?
3. Расм чизиш учун қўлланиладиган қоғоз турларини айтиб беринг?
4. Дизайн соҳасида қўлланиладиган қандай замонавий дастурларни биласиз?

2-амалий машғулот  
**Скетчбук – ижодий фаолият элементи**

**Ишдан мақсад:** Скетчбук юритишни ва уни расмийлаштиришни ўрганиш.

**Масаланинг қўйилиши:**

1. Скетчбук хақида маълумотларни тўплаш
2. Скетчбук юритишни тартибини ўрганиш
3. Скетчбукда ижодий лойиҳани расмийлаштириш

**Кўргазмали қуроллар:** Мавзуга оид тарқатма материаллар, тақдимот.

**Дарс ўқув қуроллари:** Турли қаттиқликдаги қаламлар, ручкалар, хар хил турдаги қоғоз намуналари.

**Ишни бажариш учун намуна**

**Скетчбук** - бу ижодий хужжат бўлиб, ўзида ёзма ва визуал материалларни мужассам этади. У ғояларни тадқиқот этишга, ўрганишга, режалаштириш ва ривожлантиришга, ҳамда тест ўтказиш, баҳолаш ва лойиҳаларни муҳокама қилишга ёрдам берувчи иш қуролидир. У бошқа рассомларнинг тажрибаларни ўрганиш ва ўзида тўсатдан пайдо бўлган ғояларни ифодалашга имкон беради.

Скетчбукни юритиш ҳар қандай ижодий ишнинг асосий элементи ҳисобланади. У фантазияни ривожлантириб, янги ғояларга илҳомлантиради. Скетчбук сифатида катта бўлмаган альбом ёки блокнотдан фойдаланилади. Скетчбукда турли хил қорлама эскизлар, чизмалар ва расмларни чизиш, ёқиб қолган расмларни ёпиштириш, ҳар бир саҳифасини маълум бир услубда

безаш ва шунга ўхшаш жарёнларнит бажариш мумкин. Умуман олганда, скетчбук ижодий одам ўзи ярататган ғоялар ҳазинасиdir(1-расм).

**Скетчбук** лойиҳанинг муҳим қисми ҳисми ҳисобланади. У ғоядан якуний натижагача бўлган йўлни (ёки ривожланишни) кўрсатади ва қоидага асосан қуидагиларни ўз ичига олади.

- расмлар, чизмалар, эскизлар, схемалар, миниатюралар, режалар инструкциялар (хусусан, тўлиқ бўлмаган ёки тажрибали бўлган);
- турли усул ва жараёнларни излаш;
- аралаш фактура ва материаллар кўлами;
- кўргазма ва галереялар ташриф буюрилиб, ундан олинган эскизлар ва аннотация қилинган брошюралар суратлари, расмлар орқали ўз аксини топган илк маълумотлар;
- Рассомлар ва модельерларнинг мос ишларининг олинган нусхалари.



1- расм **Скетчбук**

Скетчбук юритишида қуидагиларни ҳисобга олиш зарур:

1. Ўз фикрини ва лойиҳа мавзусига оид қарашларини аниқлаш.

2. Лойиҳа мавзуси билан шахсий муносабати ва алоқаларини алоҳида ажратган ҳолда, унинг бошланиш ва биринчи ғояларини тушунтириш.
3. Ўзининг мавзуига мос бошқа рассомларнинг тарихий, замонавий, турли маданиятли, ишларини танқидий таҳлил этиш ва таққослаш.
4. Лойиҳа учун фойдали ўзининг шахсий дунё қарашларига ва кузатувлари билан боғлиқ бўлган маълумотларни танлаб олиш.
5. Рассом ва атрофдаги маданий таъсирлар ҳақида хабардор эканлигини кўрсатиш, лойиҳани хаққонийлиги ва салмоғини ошириш мақсадида, қисқа маълумотли ахборотлар бериш, рассомнинг ижодини мукаммал ўрганиб илмий изланишлар натижаларидан фойдаланиш.
6. Мос бўлган атамалардан масалан “кучли контраст”, “диққатни жамлаш”, “асосий урғу” ва хоказолардан фойдаланиб, лойиҳа мавзусини естрилича билишини намойиш этиш.
7. Барча суратлар, санъат асарлари ва матнларнинг манбаалари, ҳамда шахсий фотосуратлар ҳақида бевосита мос тасвирлар остида қисқа маълумотлар бериш (рассомлар, модельерлар лиbosлар тўпламлари, веб-сайtlар, китоблар ва х.к. номлари).
8. Маълумотларни аниқ баён этиш. Фикрни баён этишда қисқа ёки тўлиқ гаплардан фойдаланиш аҳамиятсизdir, лекин уни нотўғри ёзилиши скетчбуқ юритувчи шахс ҳақида салбий фикрлар уйғониши мумкин.

1-расм. Скетчбуқда ижодий жараённи расмийлаштириш





## **Назорат саволлари:**

1. Скетчбук нима учун қўлланилади?
  2. Скетчбук ўзида нимани мужассам этади?
  3. Скетчбук юритишда нималарни ҳисобга олиш зарур?
  4. Скетчбукни расмийлаштириш босқичлари.

## 3-Амалий машғулот

### Мато ва материалларни тасвириллаш

**Ишдан мақсад:** Мато турларини ва уларни эскизда тасвирлашни ўрганиш.

## **Масаланинг қўйилиши:**

- ## 1. Мато турларини таҳлил этиш

2. Мато фактурасини тасвирлашни ўрганиш
3. Мато фактурасини эскиз моделларида тасвирлаш

**Кўргазмали қуроллар:** Мавзуга оид тарқатма материаллар, тақдимот.

**Дарс ўқув қуроллари:** Турли қаттиқликдаги қаламлар, ручкалар, ҳар хил турдаги қофоз намуналари.

### **Ишни бажариш учун намуна**

Одам қоматини чизиш ва гавда туриш ҳолатини яратиш асосларини эгаллагандан сўнг, кейинги босқич бу либос чизишни ўрганиш. Бу мато ва материалларнинг ассортиментини ўзига ҳос ҳусусиятларини ва тасвирлаш воситаларини ўрганиш имкониятини беради.

Оқ матони эскиз моделда тасвирлаш оддийгина бўлиб туюлади, аммо бу рангнинг ўзига ҳослиги анчва муаммоларга эга. Уларни, ижодий ёндашиб енгиш мумкин. Бундай ҳолда тасвирда берилган матонинг юза жилоси ва фактурасини дадил берилган штирхлар ҳисобига кўрсатилади, улар матонинг тасвирда берилган турини акс эттиради.

Вуаль – юпқа, шаффоф матонинг бир туриди. Анъанавий равища бу мато турини тасвирда кўрсатиб бериш, доимо мураккаб жараён бўлиб келган. Юпқа матолар маҳсус кийим турларида масалан, тўй либосларида, башанг

Газ матолари остида тана тусини ўзгартиради. Унинг сиймоси ноаниқ бўлиб қолади. Маълумки, либос таранг ва силлиқ бўлмайди, ўзида буклов ва тахламалар ҳосил қиласи, бунда мато қатламларини устма-уст бўлганлиги шаффофлик ҳусусиятини ўзгартиради, бу омил ишни мураккаблаштиради. Матони буклаш жараёнида шаффофлик ҳусусияти анча қисқаради, бунда бир нечта тахламалр бўлса бу ҳусусият бутунлай йўқолиб боради ва либос ўзидан кам ёруғлик ўтказсада, унинг ранги

жадаллашади.

Люрексли матолар одатда, металл иплар билан биргалида түқилади, аммо замонавий матоларда ичига синтетик толалар қўлланилади ва унга металл хусусиятларини бериш учун ламинат ва грунтлаш техникаси қўлланилади.

Крючок ёрдамида қўлда тўқилган буюмлар хусусиятини машинада тўқиб бўлмайди. Крючок ёрдамида тўқиши нафис ажурли моделларни декоратив безашда, 3D- эффектини яратишда қўлланилади. Кружева ажурли матосининг кенг турларин, шу жумладан тўрларни қамраб олади.

Гипюр ва кружевани кашта турига киритиш мумкин. Гипюр, матога турли орнаментли каштани тикиш йўли билан яратиласди, сўнг ажурли кружевани қолдириш учун кимёвий ёки бошқа усуллар ёрдамида мат йўқотиласди.

Кашталангандан юзани чизиш материални пухта ўрганишни талаб этади. Одатда, иш контурни чизадиган воситалар қалам, фломастер ёрдамида бажариласди, бу ҳолатда мўйқалам камдан-кам қўлланилади. Кашталангандан буюмларнинг тасвири содда бўлиб кўрингани билан берилган деталларга алоҳида эътиборни талаб қиласди, бошқа материаллар каби кесиб ўтадиган шаклларни чизиш, тасвирланадиган баъзи нукталар ҳакида билимларга эга бўлишни талаб этади. Агар кашта расми такрорланса ёки мато жуда кенг бўлса, деталларга озгина ишлов бериб ҳомаки чизмани бир қисмини қолдириш мумкин.

Оқшом либосларида атлас матосини тасвирлашда аквараль бўёқларини тортиш ва қаламлар контуридан дадил фойдаланиш мумкин. Шунингдек, атлас матоси силлиқ ва ялтироқ юзага эга бўлиб, ёруғликни ўзида акс эттиради.

Бахмал, духоба ва вилор матолари тукли юзага эга. Бу матоларнинг айрим турлари трикотаж асосида бўлади. Уларнинг устунлиги шундаки чўзилиш даражаси трикотаж матосига ўхшаш.

Мўйнали ва чарм буюмларни тасвираш алоҳида ёндашувни талафутни этади. Мода оламида леопард, гепард, норка, тулки ва илон териларни тасвири қўп йилдан бери алоҳида ўринга эга.

Мўйнали либослар узунлиги, қалинлиги, зичлиги турлича бўлган туклардан иборат бўлади, бу белгиларнинг биримаси юмшоқ юзани ҳосил қиласиди. Бундай либосларни тасвираш учун энг аввал ранг ёрдамида шакл чизилади, бунда тўйинган бўёқ тортишга аҳамият бериш шарт эмас, бир нечта соя ёки оч, ўрта тусдаги акварель доғлар етарлидир. Сўнг якунланган рангли асосга юмалоқ, жуда ингичка бўлган мўйқалам ёрдамида штрихлар ётқизилган ҳолда мўйна шакли ва фактурасини яратиш мумкин.

Чарм иккита асосий кўрсаткичлар билан фарқланади. Биринчиси – дабдабалийлиги, рангларининг ўзига хос нафислиги, материалнинг эластик хусусияти ва нисбатан материалга ишлов беришда қийинлиги. Иккинчи фарқловчи кўрсаткичи – бу биринчисига қарама-қарши бўлган унинг исёнкор, шафқатсиз сиймоси, унинг бошланғич манбаи 1950-70-йиллардаги ёшлар ҳаракатига оид.

Холст ва джис матолари қаттиқ, нисбатан қўпол, ҳамда чидамлилиги билан фарқланади.

Твил – енгил, уни ушлаб кўрганди юмшоқ, ингичка, аммо зич бўлган табиий мато. Унинг иплари маҳсус техникада ўрилади: асосий ипи кўндаланг бўлиб, иккита олдинги кўндаланг ипнинг устидан ўтиб ўрилади. Кейинги қаторлар бир ипга сурилади. Бундай ўрилиш диагональ ёки саржа ўрилиш дейилади. Кўриниши бўйича у джинс матосини эслатади. Эшилмаган стандарт иплар қўлланилади.

Намат – табиий юнгдан қилинган нотўқима мато бўлиб, ҳар бир юнг толачаси тангачалардан тузилганлиги сабабли иссиқ сув, буг еки механик таъсир ёстида бир-бири билан жипслашади.

Твид, устки кийимлар учун қўлланилади ва у анъанавий равища жанубий Шотландияда ишлаб чиқарилади. Номи Твид дарёси номидан олинган бўлиб, дарёнинг суви матога якуни ишлов бериш жараёнида қўлланилган. Ҳозирги вақтда твид жун матонинг кенг қўламига тааллуқли. Бу матонинг афзаллиги қулайликдан ташқари ёқимли ранглар бирикмасидир.


“Арчали мато” атамаси саржа ўрилиши натижасида яратилган анъанавий тўқилган нақш учун қўлланилади. Британия аристократлари ўзига хос ранглар ва нақшларни ишлаб чиқишиган. Расмни яратиш усулларидан бири, мато тўқилгандан сўнг, унинг устига расм бостирилади.

Чизиқли принтлар қоматни идрок этишни ўзгартиради, уни пастроқ баландроқ ёки кўркам қиласи. Чизиқлар нигоҳни кўйлак узунлиги бўйича тепадан пастга, диагональ ёки юқорига кўтарилиганда зигзаг бўйича юқорига йўналтирилади.


Энг кўп учрайдиган турларнинг таҳлили қўйидагича:

- Вертикал чизиқлар қоматни баландроқ, нигоҳни юқори ва пастга йўналтирган ҳолда уни янада башанг, кўркам ва озгин кўрсатади.
- Горизонлал чизиқлар калтароқ бўлиб диққатни тана кенлигига жалб этади. Уни пастроқ ва кенгроқ қилиб кўрсатади.
- Кўндаланг принтлар кўйлакнинг узунлиги бўйича диагонал жойлашган бўлиб, матога динамика эффицитини беради.
- Чизиқли принт бир-биридан узоқлашган бўлиши, бунда чизиқлар қарама\*-карши томонга йўналтирилган бўлади.
- Эгри чизиқлар буюга аёллик латофатини бағишлайди ва бел чизигини ажратишга ёки нигоҳни тананинг бўртиб турган кўкрак, букса қисмларига йўналтиради.
- Чизиқлар ёруғлик нурлари каби бир нуқтадан чиқиб туриши мумкин. Бундай усул қўпроқ юбка дизайнида қўлланилади.





3-расм Люрексли матоларни тасвирилаш



4- расм. Кружева ва гипюр матоларини тасвирилаш.



4-расм. Атлас, духоба, бахмал ва велюр матолари



5-расм. Мўйна шакли ва фактурасини эскизда яратиш.





6-расм Мўйна турлари.





7-расм.




Трикотаж палотносидан модел эскизларини графикада тасвирлаш



8-расм. Трикотаж матосини эскизда кўриниши.



9-расм. Чарм матосини эскизда тасвирлаш



10.-расм. Эркаклар костюмини эскизда бажариш.



11- расм Матода принт намуналар



12-расм.

### **Назорат шакли**

Билимларини баҳолашда назорат саволлари ва ижодий ишларни расмийлаштириш сифати инобатга олинади.

## **Назорат саволлари:**

1. Матолар таркиби бўйича қандай турларга ажратилади?
2. Сизга маълум пахта толали матоларнинг номларини айтиб беринг?
3. Сизга маълум зифир толали матоларнинг номларини айтиб беринг?
4. Сизга маълум жун толали матоларнинг номларини айтиб беринг?
5. Сизга маълум синтетик матоларнинг номларини айтиб беринг?
6. Мато фактурасини яратишда қандай усулларини биласиз?
7. Оқ мато эскизда қандай тасвирлаш мумкин?
8. Люрекс, кружева ва гипюр матолари қандай тасвирланади?

## **4-Амалий машғулот**

### **Кийим деталларини тасвирлаш**

**Ишдан мақсад:** Кийим деталларини эскизда тасвирлашни ўрганиш.

#### **Масаланинг қўйилиши:**

1. Кийим деталларини ўрганиш
2. Кийим деталларини тасвирлашни ўрганиш
3. Кийим деталларини эскиз моделларида тасвирлаш


**Кўргазмали қуроллар:** Мавзуга оид тарқатма материаллар, тақдимот.

**Дарс ўқув қуроллари:** Турли қаттиқликдаги қаламлар, ручкалар, ҳар хил турдаги қофоз намуналари.

#### **Ишни бажариш учун намуна**


Матонинг сифатини, тавсифини ва ўзига хос хусусиятларини билиш, эскизда кийимни профессионал даражада тасвирлаш мумкин. Кейинги босқич бу кийимни қоматга тўғри ўтказиш ва ҳар бир детални чизищдан иборат. Масалан: ёқани сорочкага ўқказиш, манжет, чўнтак ва тахламаларни чизиш ва ҳ.к.

Бундай ахборотни диққатни кийимга қаратиб уни танқидий ўрганиш орқали олиш мумкин. Бунинг учун қуида келтирилган саволларга жавоб топиш керак, бу шакл қандай яратилган, Деталлар қандай бирлаштирилган, драпировка, таҳламалар қандай шакллантирилади ва х.к. таҳлил этиш жараёнида унинг дизайнини, конструкциясини, тайёрланиш технологиясини тўғри тушуниш учун кийимни ички томонидан кўриб чиқиш керак. Кийим дизайнини барча элементларин чуқур ўрганиб, тўғри эскиз чизиш мумкин.




1-расм.

«Шахарлик қиз - URBAN GIRL» - девизи остидаги ўрта ёшдаги аёллар комплекти.




2-расм. «VICATION GIRL» девизи остидаги дам олишга мүлжалланган ўрта ёшдаги аёллар комплекти





5.3-расм.

«Шахарлик йигит - URBAN GUY» девизи остида ўрта ёшдаги эркаклар комплекти.



4.-расм. «VICATION GUY » девизи остида ўрта ёшдаги эркаклар комплекти.





### **Назорат саволлари:**

1. Кийим деталларига нималар киради?
2. Чўнтакларни қайси турларини биласиз?
3. Ёқа турлари ҳақида маълумот беринг.

**5-Амалий машғулот**  
**Кийимнинг техник расмларини яратиш**

**Ишдан мақсад:** Техник расмни чизишни ўрганиш.

## **Масаланинг қўйилиши:**

1. Техник расмларни тахлил этиш
2. Техник расмларни тасвирлашни ўрганиш

**Кўргазмали қуроллар:** Мавзуга оид тарқатма материаллар, тақдимот.

**Дарс ўқув қуроллари:** Турли қаттиқликдаги қаламлар, ручкалар, хархил турдаги қоғоз намуналари.


## **Ишни бажариш учун намуна**

Моделларни ишлаб чиқиш жараёнида буюмни визуал кўриш учун қўлланиладиган иллюстрациянинг асосий турларидан бири техник расм ҳисобланади. Унда битта фояни ўзида мужассам этган силуэт, пропорция, конструктив ечим ва деталлар аниқ чизилган бўлади.

Техник расмлар дизайнер ва ишлаб чиқарувчи орасидаги визуал мулоқот шаклидир. Улар тикувчилик саноатида тўплам дизайнини ишлаб чиқиш учун ишлаб чиқаришда (моделни техник тавсифи) ва маркетингда (каталогда ва нарх қўрсатгичда) кенг қўлланилади. Техник расм кийимни одам фигураси бўлмаган ҳолатда, текисликда конструкцияга эътиборни қаратиб, қисмларга ажратувчи чизиқларни, декоратив чокларни, планка ва бошқа деталларни яққол тасвирланиши. Техник расм аниқ бўлиб, схематик равища кўрсатилиши лозим. Бугунги кунда техник расмни график редакторларда ҳам бажариш мумкин.

Техник расмни эстетик жиҳатдан чиройли ва қизиқроқ кўриниши учун чизиқлар кенглиги турлича бўлиши мумкин. Мавсумий тўпламлар доирасидаги кийимларни ранг, конструктив ечими ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш учун ассортиментли қатор ҳам техник расм шаклида тақдим этилади. Look books ва прайс листлар ҳам ҳаридорга кийим ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш учун техник расм ва подиумга мўлжалланган

иллюстрациялардан таркиб топади. Шунингдек, техник расм ва фото суратлар нарх кўрсатгичга қўшимча қилиб қўйилиши мумкин.



### **Назорат саволлари:**

1. Техник расм нима?
2. Нима учун техник расм чизишни ўрганиш зарур?
3. Техник расмлар қаерларда қўлланилади?

---

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

---

### 1-кейс

Корхонага хом трикотажни бўяш учун олиб келишди. Буюртмачи трикотажни ёзги мавсумга мўлжалланган ассортиментларини Pfnnto бўйича 16-1429 TRX SUNBUM рангга ва кузги устки кийимлар учун мўлжалланган ассортиментларини корхонани ўз салоҳиятларига асосан бўяб беришларини сўради. Шартномалар бўлими бошлиғи корхона раҳбарига вазиятни билдириди. Корхона раҳбари маркетинг бўлимига, кимёвий лаборатория мудирига, корхона технологига қуидаги вазифаларни қўйди:

1. Кузги устки кийимлар учун айни вақтда урф бўлган ранглар коллекциясини ажратиш.
2. Келтирилган барча ассортиментдаги трикотаж полотноларининг толавий таркибини аниқлаш.
3. Pfnnto бўйича рангни лаборатория коллекциясидан топиш, уни трикотажни толавий таркиби бўйича корректировка қилиш, талаб қилинса бу рангларни янгитдан ҳосил қилиш.
4. Кузги устки кийимлар учун айни вақтда урф бўлган ранглар коллекциясига мос келувчи ранглар намуналарини буюртмачи биланкелишиш.
5. Лабораторияда ишлаб чиқилган шароитларни корхона шароитига мослаштириш.

### 2-кейс

Корхонада буюртмачи бўяш учун олиб келган ассортиментларини бир қисми бўяш қозонида толаларга ажралиб кетганлиги, иккинчи қисмини эса талаб қилинган ва айнан талаб бўйича лаборатория шароитида ҳосил қилинган рангга мос келмаслиги маълум қилинди. Корхона раҳбари зудлик билан тегишли бўлим бошлиқларини чақириб мунозара ўтказди. Мунозара якунлари бўйича уларнинг олдиларига қуидаги вазифаларни хал этишларини топширди:

1. Кимёвий лаборатория мудирига лаборатория ишларини таҳлил қилиш ватегишли чоралар қабул қилиш.
2. Технологга вужудга келган муаммо юзасидан ёзма тушунтириш бериш.
3. Келтирилган ассортиментларнинг толавий таркибини аниқлаш ва уларни буюртмачи томонидан тақдим этилган хужжатларга мослигини аниқлаш.
4. Нима сабабдан иккинчи гурӯҳ ассортиментларида тегишли рангларни ҳосил бўлмаганлик сабабини корхонага келтирилган янги бўёвчи моддалар таҳлили асосида ўрганиш.
5. Иккинчи гурӯҳ ассортиментларида буюртмачи талабига тўғри келувчи рангларни қайтадан ҳосил қилиш.

### 3-кейс

Кийимга қўлланадиган газламалар мақбул ғижимланмасликка эга бўлиши керак. Юқори ғижимланувчанлик кийимнинг ташки кўриниши ва сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ҳамда кийимни тайёрлаш жараёнини қийинлаштирувчи салбий омил хисобланади.

Газламанинг ғижимланмаслиги маълум даражада унинг тола таркиби ва структурасига боғлиқ. Деформациялангандан кейинги шаклини ва ўлчамини тез тиклаш қобилиятига эга бўлган юқори эгилувчан толадан ишлаб чиқилган газлама (жун тола, синтетик тола) юқори ғижимланмасликка эга. Юқори эгилувчан толали газламаларда эксплуатация бошида толалар кам эгилувчан толалар таъсирини енгид ўтади ва кийимнинг ғижим участкаси ўзининг шаклини тиклади. Секин аста эксплуатация жараёнида эгилувчан толаларда чарчашиб ҳолати кучаяди ва асосий ролни камроқ эгилувчан толалар ўйнайди, шунинг учун тахламалар ва ғижимлар барқарорликка эга бўлиб, кийимнинг ташки кўриниши ёмонлашади.

**Савол:** Қандай ҳолатда газламанинг ғижимланувчанлиги ортади ва унинг олдини олиш учун қандай чоралар кўрилади?

#### 4-кейс

Кийим деталларини бириктириш учун турли усуслардан фойдаланиш мумкин: ип билан, елимлаб, пайвандлаб ва аралаш. Бириктириш усули газламанинг турига, бирикмаларга қўйиладиган талабларга ва қўлланиладиган асбоб ускуна турига қараб танланади. Ҳозирги кунда тикувчилик саноатида энг кўп қўлланиладиган ип билан бириктириш усули 70% - 80% ни, кейин елимлаб ва пайвандлаб бириктириш усуслари 20-25% ни ташкил этади.

**Савол:** Ипли, елемли бириктириш усуслари ёрдамида кийимга ишлов бериш технологик жараёнида бириктириш сифатига таъсир этувчи кўрсаткичлар ҳақида маълумот беринг.

#### 5-кейс

Кийим тайёрлашда деталларни ип билан бириктиришнинг вазифаси ва уларга қўйиладиган турли талабларни эътиборга олиш зарур. Ип билан бириктиришнинг вазифаси турлича бўлгани ва унга таъсир этувчи кучларнинг ўлчами ҳар хил бўлгани учун ипли бириктиришнинг мақбул сифат кўрсаткичлари ўзгаради.

Ип билан бириктиришнинг механик кўрсаткичларига чок конструкцияси, чок ҳақи кенглиги, чокдаги баҳялар сони, ҳамда баҳя ҳосил қилишнинг технологик режимлари: чок частотаси, ипнинг тури ва тарнглиги, ип ва газлама мустаҳкамлигини тикиш жараёнида камайиши таъсир кўрсатади.

**Савол:** Чок мустаҳкамлигини аниқлаш методикалари бўйича устки ва енгил кийимдачок мустаҳкамлигига таъсир этувчи омиллар ҳақида маълумот беринг.

---

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

---

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш;
- мазкур мустақил таълим ишларини натижалари1 бал билан баҳоланади.

### **Тавсия қилинадиган мустақил иш мавзулари**

1. Материал, жиҳозларни танлаш ва улардан фойдаланиш
2. Одамнинг анатомик тузилиши
3. Одам қомати пропорцияси
4. Мувозанат ва ритм
5. Скетчбук – ижодий фаолият элементи
6. Мато ва материалларни тасвирлаш
7. Аксессуарларни чизиш
8. Кийим деталларини тасвирлаш
9. Эскизлар яратишда кийим элементлари шаблонларини қўллаш
- 10.Кийимнинг техник расмларини яратиш
- 11.Автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимини қўлланилиши

## VII. ГЛОССАРИЙ

	<b>Термин</b>	<b>Изоҳ</b>	<b>Explain</b>
1	<b>Инновация, янгилик киритиш</b> <b>Innovation, innovation (visually.</b> <b>Innovation)</b>	бу (харидорлар томонидан талаб) маҳсулот сифатини ёки (ишлаб чиқарувчилар томонидан талаб) технологик жараённи самарасини ортишига хизмат қилувчи янгиликни тадбиқ этиш	( Client ) or the quality of the product ( the manufacturer ), which serves to increase the effectiveness of the process of technological update package
2	<b>“Фан - технология - ишлаб чиқариш”</b> <b>"Science and technology"</b>	1. интенсив иқтисодиёт занжирли фаолиятида асосий омил энг янги технологиялар, ишлаб чиқаришнинг янги принципларини яратишига хизмат қилувчи илм-фан омили. <b>Инновация мухити-</b> корхоналарда самарали бошқарув тизимини яратиш	a key factor in the intensive economic activity chained to the latest technology , production and create new principles of science factor
3	<b>Инновация мухити</b> <b>Innovation environment</b>	корхоналарда самарали бошқарув тизимини яратиш	enterprises to create an effective management system
4	<b>Инновация жозибадорлиги</b> <b>Innovation appeal</b>	бу миллий иқтисодиёт самарадорлигининг мухим йўналишидир	diminished the effectiveness of the national economy in this important area
5	<b>Инновация фаолиятини фаоллаштиришни</b> <b>The activation of innovation activity</b>	фундаментал тадқиқотларни қўллаб-куватлаш, мамлакатда корхоналар томонидан амалга ошириладиган тижорат инновациялари учун зарур иқтисодий-ижтимоий мухитни яратиш	support basic research , carried out by enterprises in the country for commercial innovations necessary to create a socio - economic environment
6	<b>Коллекция</b> <b>Collection</b>	илемий, тарихий ёки бадиий кизиқишини ифодалайдиган, ўхшаш буюмлар тизимига солинган тўплам	scientific , historical or artistic interest , representing a collection of materials are tested system
7	<b>Комплект</b> <b>Komplekt</b>	муайян мўлжал ва бадиий ечимга мосланган бир бирига мос элементланинг тўплами, очик тизим	Sets specific targets and artistic elements of one of the customized solution package , open system
8	<b>Композиция</b> <b>Kompozition</b>	эстетика қоидалари бўйича костюм элементларини тақсимланиши	The distribution of the elements of composition aesthetics , according to the suit
9	<b>Конструкция</b> <b>Construction</b>	буюмни тузилиши	The structure of the unit
10	<b>Костюм</b> <b>The suit</b>	яхлит ғоя ва мўлжал билан бириктирилган, ижтимоий, миллат, минтақа, жинс ёш ва мутахассислигини ифода этадиган элементларнинг муайян тизими	- which focused on a single idea and the accompanying social , ethnic , regional , gender , age and specialty reflect certain elements in the system
11	<b>Кўпфункцияликийи м</b> <b>Multi - functional clothing</b>	бир неча функцияни бажарадиган кийим	clothing that performs more than one function
12	<b>Лойихалаш</b> <b>Development</b>	бу тадқиқот этиб, эскизлар, макетлар ва моделларни яратиш, буюмларни чизмасини ва хисобини ишлаш, тажриба учун намуналарни ишлаш, белгиланган хусусиятларга эга янги буюм яратиш жараён	is a research , sketches , models and models , drawings and computer processing of materials , processing the samples for the experiment , the established nature of the process to create a new item
13	<b>Маркетинг</b>	буюмга истеъмолчининг	great customer requirements

	<b>Marketing</b>	талааларини ўрганиш	
14	<b>Мода Fashion</b>	Микроуслуб	micro style
15	<b>Корхона Venture</b>	ўзига карашли ишлаб чикариш воситаларидан фойдаланган холда ишлаб чикариш жараёнларини бажарувчи жамоа	will use the means of production belonging to the enterprise carrying out the processes of production team
16	<b>Иш ўрни Jobs</b>	маълум бир ишни бажаришга мўлжалланган ишлаб чикариш сатхининг бир кисми	is designed to perform a specific job Part of the production level mark
17	<b>Мехнат унумдорлиги Labor productivity</b>	окимдаги хар бир ишчининг бир сменада ишлаб чикарадиган маҳсулот сони	The flow of the labor productivity of each worker in a number of production shifts production
18	<b>Технологик жараён Process</b>	тайёр маҳсулотни олиш мақсадида меҳнат предметларига таъсир этувчи меҳнат воситаси	the finished products that affect the subject of the cocktail in order to get a cocktail
19	<b>Бўлинмас операция Indivisible operation</b>	тикиш жараённинг технологик жихатидан жихатидан майдарок элементларига ажратиш мумкин бўлмаган яхлит бир элемент	the betting process technology , the groundbreaking groundbreaking smaller elements in a single element that can not be
20	<b>Серия Serial</b>	савдо ташкилоти буюртмасининг энг кичик миқдори	trade order with a minimum amount
21	<b>Маҳсулот рентабеллиги product profitability</b>	бир фойда келтириш фоизи	Percentage benefit the profitability of the product
22	<b>Маҳсулотниматерия лхажми The volume of product material</b>	материал ресурсларини солиштирма харажати	Specific costs of material resources
23	<b>Кийимнинг ассортимент гурухи Apparel assortment group</b>	белгилари жихатидан бир хил бўлган мустакил гурухга кирувчи буюмлар	marks the groundbreaking independent groups , out of the same materials
24	<b>Чикинди Waste</b>	асосий ишлаб чикаришда йўқ бўлиб кетадиган дастлабки хомашё бўладиган колдик	The main street of the initial raw material production to be unchanged

### Маҳсус адабиётлар

1. HwanKi Lee. Quality Controll of Latest Spinnin Procecc and Prevention of Textile Defects. Thinkbook Company, Korea, 2015
2. Jinlian HU. Computer Technology for Textiles and Apparel. Elsevier, England, 2011
3. Tünde Kirstein. Multidisciplinary Know-How for Smart-Textiles Developers. Elsevier, Swetherland, 2013
4. C. Lawrence. High Performance Textiles and Their Applications. Elsevier, England, 2014
5. Sabit Adanur. Handbuk of weaving. Boca Raton London New York Washigvton. D.C. 2001.
6. Hywel Davies. Fashion Designers' Sketchbooks. – United Kingdom, London,

7. The Secretary, Central Board of Secondary Education, Shiksha Kendra, Community Centre, Preet Vihar, “Textile Chemical Processing” Students Handbook + Practical Manual. FIRST EDITION : 2014 © CBSE, India. PRINTED BY : Dee Kay Printers 5/37A Kirti Nagar Indl. Area, New Delhi – 110015

8. Ryszard M. Kozlowski “Handbook of natural fibres” Volume 2: Processing and applications. Woodhead Publishing Series in Textiles: Number 119. © Woodhead Publishing Limited, 2012

9. Серова Т.М.Афанасьева А.И., Иллиаронова Т.И., Делль Р.А. “Современные формы и методы проектирования швейного производства” Учебное пособие. М. МГУДТ. 2004 г -283с.

### **Интернет ресурслари**

1. [www.expertiza.uz](http://www.expertiza.uz)
2. [www.uster.com](http://www.uster.com),
3. [www.trutzschler.com](http://www.trutzschler.com)
4. [www.titli.uz](http://www.titli.uz)